

А.Н. РАСУЛОВ

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ
КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА
ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ
АСОСЛАРИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Монография)



А.Н. РАСУЛОВ

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ
ШАРОИТИДА
ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ
АСОСЛАРИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Монография)

Тошкент
«ZEBO PRINT»
2023

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

УДК 37:371
КБК 74.202.5
Р-64

Расулов А.Н. Замонавий таълим кластери шароитида Иқтисодий билим асослари фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш [Монография]. – Тошкент: - 112 б.

Mas'ul muharrir:

Усаров Жаббор Эшбекович – педагогика фанлари доктори, профессор.

Taqrizchilar:

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, педагогика фанлари доктори;

Ҳимматалиев Дўстназар Омонович – Чирчиқ давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори.

Ражабова Лола Рахматуллаевна – Қарши давлат университети в.б. доценти, педагогика фанлари фалсафа доктори;

Мазкур монографияда «Замонавий таълим кластери шароитида Иқтисодий билим асослари фанини ўқитишнинг илмий-методик асослари ва уни амалиётга татбиқ этиш методикалари ёритиб берилган. Шу билан бирга монографияда педагогик таълимни кластерлаштириш илмий педагогик муаммо сифатида, умум таълим мактабларида «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитишнинг зарурияти ва назарий асослари, замонавий таълим кластери шароитида «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитишнинг таъминотини таъминоти ва педагогик шарт-шароитлари, «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитишнинг услубий дидактик таъминотини яратиш, ўқувчиларнинг иқтисодий-қуниқмаларини ривожлантириш жараёнини моделлаштириш, «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш каби масалалар мазмун-моҳияти келтириб ўтилган.

Монография педагогика олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар, магистр ва талабалар ҳамда умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2023 йил "29"сентябрдаги 14 - сонли мажлис қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-9413-4-4

КИРИШ

Жаҳонда глобаллашув шароитида ижтимоий соҳаларнинг барқарор тараққиётини белгилашда таълимни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, таълим тизимига янги инновацион ёндашувлар, самарали ўзгаришлар ва педагогик технологияларни фаол татбиқ этиш жараёnlари билан боғлиқ равишда кечмоқда. Дунё амалиётида таълимнинг барча турлари ва босқичларида самарадорликни ошириш ва такомиллаштиришнинг янги механизми сифатида қаралаётган кластер моделини янада ривожлантириш натижасида таълим парадигмаларининг янги имкониятларини топиш, субъектларнинг манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали уларнинг истиқбол натижаларини кафолатлаш, шахснинг сифатли таълим олишига хизмат қилувчи янги ёндашув ва усулларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда таълим шакллари замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талаблари асосида диверсификациялаш, ўқитиш усуллари технология тарққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, таълим сифати назарияси ва методологиясининг етакчи ғояларини татбиқ этиш узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган кластерли ёндашув орқали амалга ошириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Халқаро тажрибаларга кўра, ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида (European Case Clearing House – ECCN, IMD) таълим олувчиларнинг иқтисодий компетентлигини шакллантириш маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий ва ахборот-таҳлилий, бошқарув компетенцияларини шакллантиришнинг концептуал тизимли моделига асосланган методик моделини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида иқтисодий компетентликни шакллантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга алоҳида

эътибор қаратилмоқда Шу нуқтаи-назардан, иқтисодий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида интерфаол таълим методларидан ва иқтисодий индикаторлардан самарали фойдаланиш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимизда сифатли таълим бериш имкониятларини ошириш, мактаб ўқувчиларида иқтисодий билим, кўникмаларни ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон¹ида “Инсон капиталини меҳнат бозори ва мамлакатда ўқувчиларнинг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш” чора-тадбирларида муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса ўқувчиларнинг иқтисодий билим савиясини ошириш, иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш механизми ишлаб чиқирилишини тақозо этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/4312785>.

ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мамлакатимизда педагогик таълим инновацион кластеринингилмий-назарийасослари, унинг узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик билан боғлиқ янги инновацион тузилма сифатидаги тавсифи ва амалиётга татбиқ этиш механизмлари педагог олимлар Г.И.Мухамедов, Ш.Мардонов, У.Н.Ходжамқулов, Р.Эшчанов, Ж.Э.Усаров, А.Раҳимов, Ш.И.Ботироваларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Таълим олувчиларга иқтисодий билимлар бериш, иқтисодий характердаги миллий кадриятларга ҳурматни ошириш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик малакасига эга бўлишни таъминлаш масалалари бўйича Р.Х.Джураев, Р.Исмаилов, Н.А.Камолова, Н.Г.Мўминов, М.Артиқовалар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Иқтисодий таълимни ташкил этишга технологик ёндашув масалалари А.Х.Абдуллаев, С.Бобоқулов, Ш.А.Саипназаров, Б.Собиров, Х.А.Умарова, Х.Ж.Худойқулов, О.Ҳайитовлар томонидан ўрганилган. Э.Сариқов, Б.Ҳайдаров каби тадқиқотчилар синфдан ташқари шароитларда ўқувчиларнинг иқтисодий билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини ошириш, уларда

иқтисодий тафаккурни ривожлантириш масаласини тадқиқ қилишга эътибор қаратган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари томонидан таълим кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асосларини ўрганишнинг касбий таълимга нисбатан кластер ёндашуви Б.Пугачева, А.В.Леонтиев, фаолият ва педагогик лойиҳалаш назарияси Н.Н.Давыдова, В.П.Беспалько, Т.А.Лавина, А.А.Сластенин, узлуксиз таълим концепцияси Б.С.Гершунский, Г.В.Мухаметзянова, А.М.Новиков каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Хорижий олимлардан L.C.Anderson, B.Weber, D.Carnegie, J.Rohn ишларида иқтисодий таълим моҳияти; R.Douglas Thompson, N.Nevittening изланишларида шахс иқтисодий ижтимоийлашувининг аҳамияти, психологик жиҳатлари ва устувор ғоялари, мавжуд иқтисодий муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ўрганиш масалаларига эътибор қаратилган.

Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикаси такомиллаштирилмаганлиги, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг иқтисодий компетенцияларини шаклланганлик даражалари аниқлаштирилмаганлиги ҳамда мактаб ўқувчиларида иқтисодий билим асослари фанини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни оширишда замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланишнинг педагогик жиҳатларини тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Монография кириш, икки боб, хулоса, тушунча ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. “ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1-§. Педагогик таълимни кластерлаштириш илмий-педагогик муаммо сифатида

Ривожланган мамлакатлар бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий соҳаларнинг барқарор тараққиётини белгилашда таълим соҳасини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, албатта, таълим тизимига янги инновацион ёндашувлар, тамойиллар, самарали ўзгаришлар ва педагогик технологияларни фаол татбиқ этиш жараёнлари билан боглиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Жаҳон таълим тизими амалиётида ўқитишнинг барча турлари ва босқичларида самарадорликни ошириш ва такомиллаштиришнинг янги механизми сифатида қаралаётган кластер моделини ривожлантириш натижасида таълим парадигмаларининг янги имкониятларини топиш, субъектларнинг манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали уларнинг истиқболли натижаларини кафолатлаш, шахснинг сифатли таълим олишига хизмат қилувчи янгича ёндашув, тамойил ҳамда усулларини ишлаб чиқиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Таълим шакллари замонавий меҳнат бозори талаблари асосида диверсификациялаш, ўқитиш усулларини технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, таълим сифати назарияси ва амалиётининг етакчи ғояларини татбиқ этиш узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган кластерли ёндашув орқали амалга ошириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Инсон капитали, уни тўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланиш ва мақсадли йўналтириш таълим тизимининг марказида туришини ҳисобга олсак, бунда, мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим тизимини жамиятнинг барча манфаатдор томонлари, таълим

жараёнининг барча субъектлари билан яхлит бир бутунликда бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ҳамда таълимнинг тўлиқ узлуксизлигига эришиш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Педагогик таълимни жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятга эгалигидан келиб чиқиб, уни замонавий талаблар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш тизимига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда.

Педагогик таълим инновацион кластери деганда, узлуксиз таълим тизимининг барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, илмий ва илмий-методик тузилмалар, амалиёт базаларининг бир бутунлиги тушунилади, уларнинг бир бутунликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имкониятини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни юқори шахсий ва касбий лаёқатлилик даражаси билан белгиланади, балки етиштирилаётган кадрларнинг рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришдан иборат эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур тадқиқот иши долзарб аҳамиятга эга бўган, келажак таълими учун зарур назарий ва амалий аҳамиятга эга иш сифатида юқори аҳамият касб этади.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичига келиб, жамият ривожланишининг мажмуавий характерда содир бўлиши, тараққиётнинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг салбий оқибатларининг ҳам юзага чиқиши инсоният олдида янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда ўзаро таъсирлардан тўла ҳимояланган

бирор-бир минтақа ёки давлатни топиш мушкул.

Глобаллашув жараёнининг жаҳон мамлакатларига салбий таъсирларини камайтириш ҳамда ижобий таъсирини ошириш учун бу ҳодисанинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Глобаллашув жараёнининг моҳияти, хусусиятларини чуқур ўрганиш ҳамда унга мослашиш, оқимларини керакли тарзда ўзгартириш, унинг кучидан “унинг ўзига қарши” фойдаланиш имкониятини яратади. Бундан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнидан ижобий ва ижодий фойдаланишнинг усул ва воситалари, механизмларини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Глобаллашув жараёнининг кучидан “ўзига қарши” фойдаланишнинг самарали воситаларидан бири сифатида кластер моделини келтириш мумкин.

Мамлакатимизда бугунги кунга келиб, таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат, рақобат ҳамда, манфаатларнинг қондирилиши таъминланиши зарур. Таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, замонавий талаблар, фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруриятини тақозо этмоқда.

Америкалик иқтисодчи, Гарвард бизнес мактаби профессори М.Портер иқтисодиётдаги кластер назариясининг асосчиси ҳисобланади. У кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро рақобатбардошликнинг ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши, деб тушунтиради ва ушбу ҳамкорликнинг давлат иқтисодиётидаги ролини аниқлаб

берди.

"CLUSTER" – инглизча - «Cooperation Link between Universities of Science and Technology for Education and Research» сўзидан олинган бўлиб "илмий ва технологик университетлар ўртасида таълим ва тадқиқотда ҳамкорлик" маъносида ҳам ишлатилади.

Таълимга нисбатан кластер ёндашув борасидаги тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бу борадаги бир қанча қарашларни жамлашга имкон берди. Умуман олганда, ушбу тушунчага тадқиқотчилар томонидан турлича таъриф ва тавсифлар берилган. Қуйида уларни келтириб ўтамыз.

Педагог олим Т.И.Шамова "Кластер ёндашуви бу алоҳида соҳа (иқтисодиёт, таълим ва бошқалар) бўлиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган бир-бирига яқин соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми" деб таърифлаган.

Л.Беспалова "Кластер - ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлаклардан иборат тузилма" сифатида таърифлаган.

Педагог олим Л.И.Осечкина ўзининг "Кластер ёндашуви университет фаолияти самарадорлигини ошириш шарти сифатида" мавзусидаги қўлланмасида "Кластер ёндашуви таълим-фан-ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантиришнинг асосий воситасидир" деган таърифни ишлатган.

"Кластер - ташкилотнинг келажак иқтисодиёти учун кадрлар салоҳиятини шакллантиришни ташкил қилишнинг инновацион самарали усули" деган таърифни иқтисодчи олим А.В.Сидорин келтирган.

М.Портер ўз таърифида "Кластер - бир-бири билан ўзаро боғланган компаниялар, тегишли тармоқлардаги фирмалар, ихтисослашган етказиб берувчилар ҳамда

уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг географик белги бўйича бирлаштирилган гуруҳи" деб таърифлаган.

"Кластер - маълум бир илмий-маърифий марказ атрофида бирлашган (махсус хизматлар, шу жумладан, етказиб берувчи, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар) компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига асосланувчи тармоқ ташкилотлари мажмуидир" деган таърифни Г.А.Яшевой келтирган.

А.Г.Гранбергнинг таърифида "Кластер - битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи" сифатида қаралган.

А.И.Гусаева тадқиқотларида "Кластер - битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган фирмалар гуруҳи" деган таърифни келтирган.

А.В.Сидорин томонидан "Кластер - горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган фирмалар гуруҳи" деб таърифланган бўлса, Н.Е.Егоров "Кластер - жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бирини тўлдирувчи фирмалар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи" деган таърифни келтиради.

А.Г.Грязнова "Кластер - махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи" деб таърифланган.

Л.Л.Наумова ўз тадқиқотларида "Кластер - технологик занжирга боғланган, ҳудудий концентрациялашувга асосланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган саноатлашган мажмуасидир" деган таърифни келтириб ўтади.

"Кластер - тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади" деган таъриф М.Е.Дурановнинг тадқиқотларида учрайди.

Педагогик-психологик ва илмий адабиётларда “кластер” тушунчаси борасида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз педагог олими У.Н. Ходжамқулов “Педагогик таълим кластери” тушунчасига “Педагогиктаълимкластери – муайян географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизми” деган таърифни беради.

Мамлакатимизда педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари, унинг узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик билан боғлиқ янги инновацион тузилма сифатидаги тавсифи ва амалиётга татбиқ этиш механизмлари мамлакатимиз педагог олимлари Ғ.И. Мухамедов, Ш. Мардонов, У.Н. Ходжамқулов, Р. Эшчанов, Ж. Э. Усаров, А. Раҳимов, Ш. И. Ботироваларнинг ишларида маълум даражада ёритилган. Узлуксиз таълимнинг асосий ташкилий-педагогик, дидактик шарт-шароитлари, услубий ёндашувларини назарий ва илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштириш технологиялари, таълим сифати самарадорлигига эришиш имкониятлари бўйича У. Бегимқулов, Р. Джураев, У. Иноятов, Р. Аҳлиддинов, М. Ваҳобов, Л. Голиш, Ж. Йўлдошев, М. Маҳмудов, О. Мусурмонова, М. Юлдашев, Ш. Қурбонов ва Э. Сейтхалилов, таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, фанлараро алоқадорлик масалаларида Б. Абдуллаева, Н. Абдуллаева, Б. Адизов, А. Жуманов, С. Маҳкамов, Ғ. Файзуллаева, интеграцион ёндашув асосида ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш борасида О. Абдурахмонов, Д. Якибова, Р. Мавлонова, Н. Раҳмонқулова, дарс машғулотларини интеграциялашнинг умумий хусусиятларини ва лойиҳасига доир машғулотлар структураси ҳамда технологиялари бўйича М. Тошпулатова, Б. Аъзамова каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Маҳаллий шароитда педагогик таълим кластери

моделининг субъектлари сифатида қуйидагиларни алоҳида қайд қилиш мумкин:

- талабалар, магистрлар ва докторантларнинг таълимий, инновацион ва лойиҳалаштириш, илмий тадқиқотчилик фаолиятини олиб борадиган, педагогик амалиётлар олиб бориладиган, ўқув ва тажриба-амалиёт базалари вазифасини ўтайдиган барча турдаги мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий ва қўшимча таълим муассасалари;

- барча турдаги мактабгача, умумий ўрта, профессионал таълим, олий ва қўшимча таълим муассасалари педагогик кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари;

- бевосита ёки билвосита педагогик фаолиятга алоқадор бўлган ва унинг ривожланиш тамойилларини белгилайдиган илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи илмий ва илмий-услубий тузулмалар, марказлар, илмий тадқиқот институти муассасалари;

- давлат ва нодавлат ташкилотлари, педагогик ҳамжамиятлар, жамоат бирлашмалари, ташаббускор жамоалар таълим кластери моделининг субъектлари бўлиши мумкин.

Кластер доирасида бир нечта ўзаро бир-бири билан боғлиқ субъектларни ўзаро интеграциялаш жараёни мураккаб жараён бўлиб, кўп тармоқли илмий-амалий ҳодисадир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китобларни ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади ва шундагина кластер субъектларининг ишончини қозонади деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, унинг асосий хусусиятларидан бири кластерни бюрократик ва маъмурий йўллар билан амалга ошириб бўлмайди. У субъектларнинг ихтиёрий муносабатлари асосидагина ташкиллаштирилиши ва самарали фаолият олиб бориши мумкин.

Шу нуқтаи-назардан олиб қаралганда, таълим

кластери миллий педагогикамизда инновация бўлиб, ўзида нафақат таълим турлари ўртасидаги, балки фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграциялашув жараёнларини, шунингдек, таълимни бошқариш, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ соҳаларни ҳам қамраб олади.

Мамлакатимизда педагогик таълим кластерининг стратегик йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим, профессионал таълим муассасалари учун педагогик олий таълим муассасалари тасарруфидаги таълим йўналишлари бўйича педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, педагог кадрлар ва соҳа мутахассисларининг илмий- методик базаларини шакллантиришни мувофиқлаштириш ва ўқув- методик раҳбарликни амалга ошириш;

- таълим муассасаларидаги таълим йўналишлари бўйича педагогика соҳасидаги илмий-услубий ишлар, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб боришни мувофиқлаштириш;

- педагогика соҳасидаги талаб ва эҳтиёж, илғор хорижий тажриба, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни амалга ошириш;

- умумтаълим мактабларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш асосида педагогика соҳасини ривожлантиришнинг асосий стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиздаги таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини сифатли ошириш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

- педагогик таълимни тартибга солувчи мавжуд

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш;

- педагогика олий таълим муассасалари тасарруфидаги таълим йўналишлари бўйича узлуксиз педагогик таълимнинг ахборот-услубий таъминотини такомиллаштириш ва педагог касбининг нуфузини ошириш ҳамда педагог-инноваторларни қўллаб-қувватлаш;


- педагогик таълим инновацион кластерининг платформасини ишлаб чиқиш ва бошқаларни педагогик таълим кластерининг стратегик йўналишлари сифатида келтириш мумкин.

Педагогик таълим кластерининг асосий маҳсулоти таълим хизматлари ҳисобланади ва у биринчи навбатда, таълим хизматларини амалга оширишга эмас, балки ўзгарувчан бозор шароитида рақобатбардош таълим беришга қаратилган бўлиши керак. Рақобатбардош таълим бериш доимий равишда инновацияларни, замонавийликни ва талаб ҳамда таклиф мутаносиблигини талаб қилади. Ушбу жараёнда таълим хизматларига йўналтирилган фаолият ўсиш кўрсаткичларини намоён қилади.

Кластер шундай тизимки, уни ташкил қилувчи компонентларнинг ўзаро интеграцияси ҳар бир субъектнинг янада самаралироқ фаолиятини таъминлайди ва истисноли бузилишларга олиб келмайди. Кластер бир қатор таълим, илмий ва ишлаб чиқариш субъектларининг муайян ассоциацияга механик жиҳатдан бирлашиши эмас, балки, уларнинг ўзаро яқиндан таъсири ва ўзаро боғлиқлиги натижасида юзага келади. Бундай ташкилот алоҳида таркибий тузилмалар ва бутун кластернинг конвертация қилинишини таъминлайди. Кластер фаолияти янги сифатли маҳсулот яратиш имконини беради. Кластер нафақат ҳаёт давомида таълим олиш учун шарт-шароитларни таъминлабгина қолмасдан, таълимнинг узлуксизлигини таъминлайдиган таркибий қисмлар ўртасидаги мавжуд ва истиқболли алоқаларни

қайта тиклаш имконини беради.

Таълим мазмунидаги рақобатбардошликни оширишга таълим кластерининг таъсири



1.1-расм. Таълим кластерининг афзалликлари

Кластер мавжуд интеллектуал ресурсларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари атрофида интеграциялаш, оқилона ворисийлик тамойилини йўлга қўйиш, манфаатдор томонларнинг қониқиш даражаси ҳақида тезкор фикр-мулоҳазалар билан ўқувчиларни амалий йўналтирилган ҳолда, тайёрлаш билан боғлиқ муҳим масалалар атрофида фаолият олиб боради (1.1-расм).

Умуман олганда, педагогик таълим кластери иқтисодий моделларни тадбиқ қилиш натижасида юқори самарадорликка эришишни назарда тутлади. Уни амалга ошириш механизмларини, йўналишлари, тамойиллари, мақсад ва вазифаларини илмий асосда тавсифлаш бугунги кундаги соҳа мутахассислари олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Педагогик таълим кластерини мувофақиятли амалга ошириш учун қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

– “Педагогик таълим инновацион кластери” мавзуси муҳокамасига илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортиш;

– педагогик таълимни кластерлаштиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларини ишлаб чиқиш;

– мавжуд меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга педагогик таълимни кластерлаштириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

– таълим кластерлари борасида илғор хорижий тажрибаларни ижодий ўзлаштириш;

– педагогик таълим инновацион кластерларини амалиётга татбиқ этишнинг механизмларини ишлаб чиқиш. Ушбу муаммоларни ечиш педагогик таълим тизимида ўзаро интеграцияни таъминлаш ва самарадорликни оширишга нисбатан инновацион ёндашувни талаб қилади.

Кластер ёндашуви таълимга нисбатан бошқарув органларига тизим ичида самарали ўзаро таъсир ўтказиш учун маълум воситалар билан таъминлаш, муаммоларни яхшироқ тушуниш, турли даражалардаги ривожланишнинг илмий асосларини режалаштириш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси таълим кластерининг катта илмий-амалий аҳамиятга эга жараён эканлиги ҳақидаги фикрларни тўлиқ тасдиқлайди. Таълим кластери тизимнинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳит ва шарт-шароитни яратган ҳолда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик аҳамияти орта боради.

Бу жараёндаги бутун тадбирлар мажмуаси илмий ва касбий мутахассисларни тайёрлашнинг асосий пойдевори бўлган таълим сифатини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Аммо, кластер доирасида бирлашган субъектларнинг барчаси ҳам дарҳол ҳақиқий натижа бера олмаслигини унутмаслик керак. Бунинг учун кластер иштирокчиларининг бу йўналишдаги билимларини такомиллаштиришган ҳолда, унинг назарий ва амалий асослари билан таништириш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим кластерининг ўзига хос белгилари

табiiий алоказдорлик	ушiiийлик ва ушiiукенiiлик	ичiiчилик	ворисiiийлик
Субъектлар ўртасидаги хамкорлик, алоказдорлик масалаларининг табiiийлиги	Субъектларнинг ўзаро боғлиқлигида закир ҳосил қилини	Субъектларнинг одидан мураккабга қараб ҳаракатланиш тенденцияси	Субъектларнинг малакади педагог ҳодимларга бўлган эҳтиёжнинг мунтазам қондирилишига эришиш
Йўналирилганлик	Мақсад умумийлиги	Манфаатлар хусусийлиги	Ўзаро назорат
кластер доирасида амалга ошириладиган ҳар бир фаолият турининг аниқ мақсадга йўналирилганлиги	Субъектларнинг ягона мақсад атрофида бирлашуви	Ҳуқуқий, ижтимоий -иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлиши	Субъектларнинг ўзаро ягона таълимни ҳосил қилиш

1.2-расм. Таълим кластерининг ўзига хос белгилари

Таълим кластери мазмунини педагогика соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, куйидаги таълим, таълим воситалари, таълим ва фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамда таълимни бошқариш йўналишларида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу йўналиш ва тармоқлар мазмуни таълим турлари ўртасидаги таълимий, илмий, услубий, таълим воситалари ва бошқарув билан боғлиқ ҳамкорликнинг барча шакл, усул ва технологияларини ўзида жамлайди (1.2-расм).

Сўнгги йилларда таълимга нисбатан кўплаб янгича ёндашувлар, инновациялар жорий этилиб, тақдим қилинаётган таълим кластери ўзига хос белгилари билан улардан ажралиб туради.

Кластерли ёндашув асосида таълим самарадорлигини ошириш фан ва таълимни, пировардида, амалиётда

жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ҳамда уни амалга ошириш имконини яратади. Кластер доирасидаги бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш мураккаб, кўп тармоқли жараёндир.

1.2-§. Умумтаълим мактабларида "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитишнинг зарурияти ва назарий асослари

Мамлакатимизда ижтимоий - иқтисодий соҳаларда кечаётган туб ислохотлар, Ҳукуматимизнинг тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, ҳар бир оилага тадбиркорлик билан шуғулланишга етарли шароит яратилаётгани, айниқса, ёшларга кенг имкониятлар эшиги очилгани, аҳолининг иқтисодий саводхонлигини ошириш, умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий фанларни ўрганишига эҳтиёжни келтириб чиқармоқда. Иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришлар бу фанни ўқитишда халқаро иқтисодиёт, оила бюджети, туризм, логистика, давлат бюджети ва тежамкорлик, иқтисодий маданият каби йўналишларни ўқув режаларига киритиш заруриятини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари, аҳоли, шунингдек, ёшларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишларини таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, улар жамиятимизда юзага келиши мумкин бўлган барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Иқтисодий фаолият бу кишилиқ жамиятининг энг муҳим таркибий қисми ҳамда асосий шартларидан бири сифатида қаралади. Замонавий шароитларда эса, ижтимоий субъектлар томонидан бозор, ишлаб чиқаришнинг зарур механизми ҳамда асоси ҳисобланган иқтисодий фаолият кўникмаларини пухта ўзлаштиришни талаб қилади. Бироқ, иқтисодий фаолият ҳамда унинг таркибида иқтисодий муносабатларни ташкил этиш

ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади. Унда маълум бир жиҳатларга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодий муносабатларни ташкил этишда асосий эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор жиҳатлардан бири ишлаб чиқариш жараёнини тўғри йўлга қўйиш, хом-ашёни етиштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ҳамда моддий маблағни яратишда маънавий-ахлоқий мезонларга амал қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот муаммосига оид илмий манбалар таҳлили ҳамда юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда бугунги кундаги замонавий таълим кластери шароитида "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлилини келтирамиз.

Ҳар қандай фаолият соҳасида мутахассисларни тайёрлаш мазмуни ва технологиялари билан боғлиқ масалалар, одатда, ягона ечимга эга бўлмайди. Бироқ, билимнинг муайян соҳаси жамият тараққиётида истиқболли бўлса, унинг мавжудлиги касбий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

А.В.Брушлинский, олиб борилган тадқиқотларга таянган ҳолда, куйидагиларни таъкидлайди: "аҳолининг турли гуруҳларида кадриятлар аҳамиятининг ўсишига нисбатан умумий тамойиллар аниқланган, булар: "мулкдор", "бой", "моддий таъминланган" бўлиб, улар "иқтисодий кадриятлар"нинг ягона мажмуини ташкил қилади. Мазкур мажмуанинг бир ёки бир нечта омиллари, масалан "саломатлик" ва "оила" каби кадриятларга киради. Кадрият – восита сифатида иқтисодий компетентлик турли ижтимоий гуруҳларда айниқса тез-тез ажратиладиган бўлди. Шу ернинг ўзида қайд этилишича, ёшлар ўртасида "зарур иқтисодий билимлар базасини талаб қилувчи касблар: иқтисодчи, ҳисобчи, сотувчи, менеджер кабиларга талаб тобора орта бошлади. Ҳар бир таълим олувчи ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланишни, ҳар бир тўрттинчиси эса – ўз хусусий ишини бошлашни истайди". Бироқ, ёшлар ҳар доим ҳам бозор шароитида

фаолият юритишга тайёр бўлмайдилар. Бундан кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти шароитида ўсиб келаётган ёш авлодни уларнинг бўлажак касби доирасида иқтисодий компетентлигини ошириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш зарур. Бу каби тайёргарликнинг асосий компонентларидан бири иқтисодий фанлар циклининг иқтисодиёт назарияси, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиётни ўз ичига олувчи иқтисодий фанлар тизимини ўрганиш ҳисобланади.

Иқтисодий фанларни ўқитиш ва иқтисодий тайёргарлик муаммоларининг ҳозирги замон ҳолати Е.А.Варакина, Е.А.Жилкина, В.А.Кальней, Л.Д.Старикова, Е.Н.Хаматнурова, В.Н.Худякова, С.Д.Чуркин ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган. Улар иқтисодий касбий тайёргарлик муаммосини узлуксиз таълим тизимининг компоненти сифатида кўриб чиқиб, иқтисодий фанлар циклини ўрганиш заруратига алоҳида ургу берадилар.

С.Д.Чуркиннинг таъкидлашича, ёшларни бозор иқтисодиёти фаолиятида амалий иштироки "ҳозирча тизимсиз равишда амалга оширилади, на ишлаб чиқариш ривожига ва на жамиятнинг тикланишига таъсир қилмайди". Шу муносабат билан уларга бир қатор ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар берилган бўлиб, бугунги кунда улар устида замонавий тадқиқотчилар ва педагоглар бош қотирмоқдалар.

В.Д.Шадриков иқтисодий фанларни ўқитиш ва иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш технологиясини очиб берган бўлиб, унга кўра умумий ўрта таълим ўқувчиларини иқтисодий муносабатларга тайёрлаш бўйича кўпгина хорижий манбалар мазмунини таҳлил қилиш асосида минтақа шароитига тўғри келадиган ўқув курси талқинини ишлаб чиққан. Ушбу ўқув курси "Ишбилармонликда компетентликни қўлга киритиш дастури" деб аталган эди. Муаллифларнинг фикрича, мазкур ўқув курснинг мақсади иқтисодиётни бошқаришнинг юзага келган тизими хусусий мулкчилик

қонунчилик базаси ва шакли ўзгарган энг мураккаб даврда ёш авлодни тайёрлашда кўмаклашишдан иборат.

Шундай қилиб, иқтисодий қобилиятларни шакллантириш жараёни нафақат иқтисодий билимларни ўзлаштиришни ва зарур кўникмаларни эгаллашни таъминлаш, балки, иқтисодий фаолият натижалари учун ўқувчиларда шахсий масъулиятни ўз ичига олган муҳим шахсий фазилатларни шакллантириш лозим.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларни иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолият ижтимоий-иқтисодий ёки ишлаб чиқариш муносабатлари жараёнини қамраб олиши керак. Иқтисодий муносабатлар кенг қамровли мураккаб тушунча бўлиб, иқтисодий муносабатлар деганда оиладаги меҳнат тақсимооти, ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнидаги иштироки асосида моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи муносабатлар тушунилади.

Иқтисодий таълимотлар тарихи дастлаб қандай шароитлар таъсири остида иқтисодий воқелик ҳақидаги қарашларнинг давр талабига мос тарзда замонавий тарзда ўзгариши, асосий тоифаларнинг талқини қандай ривожланиши ва иқтисодий тадқиқот усуллари такомиллаштирилиши билан қизиқади. Иқтисодий тадқиқотлар тарихи иқтисодий фан эволюциясининг умумий йўналишини, йўналишларини ўзгартиришни, иқтисодий сиёсат билан ўзаро муносабатини, стратегик ва оператив қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Ҳар қандай иқтисодий назария ҳар доим ўз тадқиқот мавзусини биров соддалаштиради, унга фақат маълум бир нуқтаи-назардан маълум методологиядан фойдаланади.

“Иқтисодий билим асослари” фанининг турли мактаблари ва тенденциялари билан танишиш назарий қарашлар ва тушунчаларнинг уларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва шартлари, турли ижтимоий гуруҳлар,

иқтисодий амалий эҳтиёжлари, мамлакатлар, халқларнинг манфаатлари билан боғлиқлигини тўлиқроқ тушунишга имкон беради. Ушбу кетма – кетликни тушуниш, илмий қондалар, гоаялар эволюцияси сабабларини тушуниш, уларнинг иқтисодий амалиётда бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқлигини тушуниш, фанни интеграцион ўқитиш муҳимдир.

Замонавий таълим кластери шароитида иқтисодий билимларни ўрганиш жараёнида фанлараро ва фанлар ичидаги алоқаларни ўз ичига олади. Бу ўқув фанларини интеграциялашга ўтишнинг яқин ривожланиш зонаси ҳисобланади. «Интеграция» сўзи латинча *integratio* – тиклаш, тўлдириш, «integer» - бутун сўзидан келиб чиққан. Бу борада икки тушунча:

-тизим, организмнинг алоҳида табақалаштирилган қисм ва вазифаларнинг боғлиқлик ҳолатини билдирувчи тушунча ва шу ҳолатга олиб боровчи жараён.

-табақалаштириш жараёнлари билан бирга амалга оширилаётган фанларни яқинлаштириш жараёни тушунилади.

Дифференциация французча - (*differentiation* латинча *differentia* - фарқ, ҳар хиллик, яъни бутунни бўлакларга бўлиш, ажратиш).

Таълим мазмунини интеграциялаш - дунё анъанаси (ғоя, фикр, интилиш). Интегратив ёндашиш турли даражадаги тизимли алоқаларнинг объектив яхлитлигини акс эттиради (табиат- жамият - инсон). Интеграция илгари бўлинган қисмларни бир бутунга бирлаштириш билан боғлиқ. У тизим элементларининг яхлитлик ва уюшқоқлик даражасининг оширишга олиб келади. Таълим жараёнида интеграциялаш мобайнида бир-бирига боғлиқлик ҳажми ошади ва тартибга тушади, шу тизим қисмларнинг ишлаши ва ўрганиш объектининг яхлитлиги тартибга солинади.

Иқтисодий таълимотлар тарихи, иқтисодий фанни билиш босқичларини ўзида ифодалайди. У билан танишиш ички мантиқни, иқтисодий тоифалар, қонунлар,

тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунишга катта ёрдам беради. Иқтисодий таълимотлар тарихига мурожаат назариялар, тавсиялар ва хулосаларни холис баҳолашга ёрдам беради. Иқтисодий билимларнинг нисбийлигини, уларни доимо такомиллаштириш, чуқурлаштириш, такомиллаштириш зарурлигини тушуниш ва тушунтириш муҳимдир [1-илова].

Иқтисодиёт тарихини ўрганиш иқтисодий тафаккур лабораториясига киришга, уни англашга ёрдам беради. Иқтисодий таълимотлар тарихи ривожланишининг асосий босқичларига қарайдиган бўлсак, иқтисодий фанларни ҳар хил даврларга бўлиб ўрганиш мумкин. Тадқиқот ишимизда иқтисодий фикр ривожланиши босқичларини қараймиз.

Дастлаб, иқтисодиёт назарияси вужудга келгунга қадар, XVII асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий фикр одамларнинг иқтисодий фаолияти билан бирга пайдо бўлган. Иқтисодий назариялар анча кейин пайдо бўлди. Иқтисодиёт назарияси иккита натижаларни таҳлил қилиш ҳамда тизимлаштириш каби хусусиятлар билан тавсифланади. Иқтисодий тафаккурда таҳлил ва тизимлаштириш элементлари бўлиши мумкин.

Ушбу жараёнда биринчи босқичнинг бошланиши, тахминан милoddан аввалги II минг йилликка бориб тақалади деб ҳисобланади. Бу вақтда биринчи цивилизациялар пайдо бўлди ҳамда улар билан ўша пайтдаги иқтисодий фикр ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган ёзма манбалар пайдо бўла бошлади. Деярли шу давр охиригача иқтисодий тафаккур, илоҳиёт, тарих, фалсафа ва менежмент фани каби бошқа фанларнинг таркибий қисми сифатида қаралди.

Қадимда инсон иқтисодий фаолиятининг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Шу сабабли иқтисодиёт деганда уй хўжалиги ва уни юритиш қонуниятлари тушунилган. "Иқтисодиёт" тушунчаси илк бор кишилик жамияти тарихида қадимги юнон

файласуфи Ксенофонт томонидан киритилган бўлиб, у икки сўз бирикмасидан ташкил топган. "оикос" (уй) ва "номос" (қонун), билим сўзларидан ташкил топган. Юнон тилидаги ушбу икки сўзнинг бирикмаси бўлган "Ойкономиа" тушунчаси ўзбек тилига тахминан "уй хўжалиги юритиш қонунлари", "уй хўжалиги ҳақидаги билим" деган маъноларни англатади. Демак, ўша даврларда инсонларнинг иқтисодий фаолияти уй хўжалигининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни, асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратишга қаратилган бўлиб, у ўз таркиби жиҳатидан ҳозирги замон иқтисодий жараёнларига нисбатан пихоятда чекланган эди.

Ушбу босқичда иқтисодий фикрнинг энг типик методологияси норматив ёндашув ҳисобланар эди. Норматив ва позитив ёндашувларнинг фарқи шундан иборатки, ижобий ёндашувни қўллаган тадқиқотчи иқтисодий муносабатларни қандай бўлса, шундай деб ҳисоблайди. Норматив ёндашув эса уларни бошида мавжуд бўлган меъёр билан солиштириш асосида ўрганади. Уларнинг нуқтаи-назаридан "улар қандай бўлиши керак" деган ёндашув ҳам мавжуд. Таркиби "классик сиёсий иқтисод"га тегишли бўлган дастлабки асарлар XVII -асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлади. Бироқ, унинг якуний тасдиқланиши XVIII-XIX -асрлар охирида, инглиз сиёсатчиси ва иқтисодчиси Адам Смитнинг 1778 йилда нашр этилган китоби бутун дунё бўйлаб муваффақият қозонганидан кейингина амалга ошди. Иқтисодий фан мустақил фан сифатида расмий эътирофга сазовор бўлди ҳамда университетларда "Сиёсий иқтисод" номли ўқув курси ўқитила бошлади.

XIX – асрнинг биринчи ярмида "классик сиёсий-иқтисод" нафақат устун келди, балки яна ривожланишда давом этди. Янги назарияларни илгари сурди, лекин XIX аср ўрталарида у асосан берилган вазифаларни бажарди. Классик сиёсий иқтисоднинг муҳим вазифаларидан бири

асосий иқтисодий тушунчаларни аниқлаш (нарх, пул, капитал, даромад ва бошқалар) ва уларни тизимлаштириш эди. Иккинчиси эса, улар ўртасида муносабатлар ўрнатилишини аниқларди. Бошқа барча иқтисодий тоифаларнинг "асоссиз дарахтининг" асосий сабаби ёки "асосий тоифаси" ўсганлиги сабабли, "қиймат" номи берилди.

XIX-асрнинг иккинчи ярмида классик сиёсий иқтисод мавжуд эди, сиёсий иқтисод курси университетларда ўқитилди, кўплаб асарлар нашр этилди, лекин уларда тубдан янги қоидалар йўқ эди. Шу билан бирга, аста – секин иқтисодий фаннинг янги йўналишлари ривожлана бошлади, бу охир – оқибатда XIX-XX асрларда классик сиёсий иқтисодни бутунлай сиқиб чиқарди.

Замонавий иқтисодиёт фани XIX-XX аср бошларида бошланган иқтисодий фан тараққиётининг учинчи босқичи ҳозирги кунгача давом этмоқда. Иқтисодиётнинг ушбу босқичида иккита асосий маржинализм ва институционализм параллел мавжуд йўналишларни ажратиш мумкин.

Классик сиёсий иқтисоддан, ҳар иккала янги назарий йўналиш, сиёсий иқтисодни, биринчи навбатда, индивидуал иқтисодий ҳодисаларнинг моҳияти билан қизиқтирганлиги ва фақат шундан кейингина улар орасидаги алоқалар қизиқтириши билан ажралиб туради.

Жаҳон иқтисодиётига тор ва кенг маъноларда таъриф бериш мумкин. Жаҳон иқтисодиёти кенг маънода — бу миллий иқтисодиётлар йиғиндиси сифатидаги тизим ҳисобланса, тор маънода бу миллий иқтисодиётнинг ташқи дунёга товарлар, хизматлар ва иқтисодий ресурслар етказиб берувчи қисмларинигина қамраб олувчи тизим ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётига берилган тор маънодаги таъриф иқтисодиёт назариядаги сотиладиган маҳсулотлар ва омиллар тушунчасига тўла мос келади. Амалиётда эса, кенг маънодаги таъриф кўпроқ қўлланилади. Шу билан бирга сотиладиган маҳсулотлар ва

омилларга асосланган ҳўжалик алоқалари юзлаб миллий ҳўжаликларни "жаҳон иқтисодиёти" деб аталадиган бир тизимга бирлаштиришини эътиборга олиш лозим. Шу сабабдан ҳам жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Иқтисодий муносабатларга киришиш – таълим олувчиларни ижтимоий- иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш орқали уларни ахлоқий, иқтисодий, жисмоний, руҳан, иродавий ҳамда эстетик жиҳатдан камолотга етишишини таъминловчи педагогик жараён ҳисобланади.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг иқтисодий фанларни ўзлаштириш ва иқтисодий кўникмаларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, АЕКТ (Association for Educational Communications and Technology) (АҚШ), Германиянинг Belfield pedagogical university, Буюк Британиянинг Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university, Чунанг университети (Жанубий Корея), Мияги педагогика университети (Япония), Таълим академияси (Россия) ва мамлакатимизнинг педагогика олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

Тадқиқот ишимизда мамлакатимиз олимлари ва тадқиқотчиларнинг таълим олувчиларнинг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган илмий асарлари ва тадқиқотлари билан танишиб чиқдик.

М.Б.Артикова умумтаълим мактаби ва оила ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси таянч тадбиркорлик компетенциялари тизимини иқтисодий билим асослари фани бўйича малака талаблари асосида қайта модификациялаш масалаларида бўйича тадқиқот ишини олиб борган.

Тадқиқотчи Б.З.Баҳодированинг илмий изланиш-

ларида инновацион таълим технологияларини қўллаган ҳолда ўқитишни ташкил этиш асосида иқтисодий компетенцияларни шакллантириш ёритилиб, коммуникативлик (музокаралар олиб бора олиш, мулоқотда ўзи учун мақбул позицияни аниқлай олиш) нинг муҳимлиги изоҳланган.²

Ғ.А.Набиевнинг тадқиқотларида умумий ўрта таълим мактабларида “Иқтисодий билим асослари” ўқув фанини ўқитишда ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожлантириш бўйича ўқув-методик таъминотни ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Тадқиқотчи Д.Р.Рахматуллаева профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни имитацион моделлаштириш имкониятлари ўқувчиларни коммуникативлик, креативлик, лидерлик каби қобилиятларини шакллантиришга қаратилган “ғоялар ярмаркаси”, “стратегик тадбиркор”, “мақсадли кредит” каби дидактик ўйинлар орқали амалга ошириш методикасини ишлаб чиққан.

“Иқтисодий билим асослари” фани умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда катта тарбиявий имкониятга эга. Бу жараёнда ўқувчилар томонидан иқтисодий билим асосларини тизимли ўзлаштиришга эришади, иқтисодий билимлари мустаҳкамланади. Мазкур шароитда амалий иқтисодий фаолиятни кенг қўламда ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги кичик тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг реализациясини таъминлаш орқали ўсмир-ўқувчиларда иқтисодий компетентлик сифатларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Иқтисодий муносабатларга киришиш кўникма-

² Тайлаков Н. И., Баходирова З. Б. “Формирование основ экономической компетентности у учащихся профессиональных колледжей” // Научный журнал “Молодой учёный” № 9 (89) / 2015. -С. 1188-1190.

ларининг ривожланганлиги деганда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий билимдонлик, оилавий тадбиркорлик фаолияти ёки мактаб бизнес лойиҳаларида фаол иштирок этиши, меҳнат ва ишлаб чиқариш кўникмаларига, шунингдек, иқтисодий компетентлик сифатлари, яъни аниқ мақсад ва ҳаракат режасига эгалиги, ташаббускорлик, тадбиркорлик, лидерлик, креативлик, иқтисодий масалаларда вазиятни тўғри баҳолай олиш, турли иқтисодий вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш, рақобатга бардошлилик, муваффақиятсизликлар олдида тушкунликка тушмаслик, таваккал қилишга тайёрлик кабиларга эгалиги тушунилади.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда таълим муассасасининг оила билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу жараёнда катта ёшли оила аъзоларининг иқтисодий билимларига таянилади. Уларнинг иқтисодий билимларидан фойдаланиш қуйидаги методлар ёрдамида амалга оширилади:

- ✓ намуна кўрсатиш;
- ✓ тушунтириш;
- ✓ савол-жавоб;
- ✓ кўрсатиш;
- ✓ намойиш этиш;
- ✓ амалий жиҳатдан ўргатиш;
- ✓ йўл-йўриқ кўрсатиш;
- ✓ маслаҳат бериш;
- ✓ топшириқлар бериш;
- ✓ танбёҳ бериш;
- ✓ уялтириш;
- ✓ рағбатлантириш;
- ✓ жазолаш;
- ✓ назорат қилиш;

✓ баҳолаш каби методлар ёрдамида амалга оширилади.

Катта ёшли оила аъзоларининг иқтисодий билимларидан фойдаланиш асосида ўқувчилар:

1) оила хўжалиги яъни томорқада ўстирилаётган кўчатларни парваришлаш, етиштириладиган мева ва сабзавотларни ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, ёрдамчи хўжаликни ташкил этиш ва уй ҳайвонларини парваришлаш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни ташкил қилиш;

2) оилада меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш;

3) оила бюджетини шакллантириш ва ривожлантириш;

4) маиший ва коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

5) кундалик харажатлар учун мўлжалланган пул маблағларини тўғри тақсимлаш;

6) улардан фойдаланилмайдиган фаслларда озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, мавзумий кийим-кечак ва пойабзалларни сақлаш;

7) уй-жой, керакли бино ва иншоотларни мақсадли қуриш, уларни жорий ва капитал таъмирлаш;

8) уй (ошхона) жиҳозлари ҳамда буюмларининг яроқлилигини таъминлаш;

9) иш ва ўқув қуролларига ижобий муносабатда бўлиш;

10) харид қилинган маҳсулотларнинг сифати ва яроқлилигини баҳолаш;

11) савдо-сотиқ ва бозор муносабатларини ташкил этиш;

12) муайян касб-ҳунар бўйича билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, умумий ўрта таълим мактабларида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда ҳамда у асосида ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини

ривожлантиришда иқтисодий ижтимоийлашув, интеграция, тарбиявий омиллар бирлиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжига мослик, меҳнат муносабати билан боғлиқлик, шахснинг эҳтиёж ва имкониятлари бирлиги, индивидуал хусусиятларни инобатга олиш, табақавий ёндашиш, жамоа имкониятининг устуворлиги, ўйин характериға эгаллик каби тамойиллар устуворлик касб этади.

1.3-§. Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг ташкилий ва педагогик шарт-шароитлари

Ҳозирги замон глобаллашув жараёнларида таълимга нисбатан инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қуйидагилар билан ўлчанади:

Фан-техника тараққиёти ҳамда ижтимоий-иқтисодий янгиланиш узлуксиз таълим тизимини хусусан, умумтаълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибалар асосида ташкил этиш, ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришни талаб этади.

Соҳаларга инновацияларни кенг жорий қилиш мавжуд иш услубларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб қилади. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларида эса, умумий жиҳатлар ва табиий қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу борада кўпгина ҳолларда ўзига хос янги йўлларни излаб топишдан кўра, баъзан илғор ривожланган мамлакатлардаги тайёр андозаларни олиш, мослаштириш, улардан ижодий фойдаланиш яхшироқ натижа беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида халқаро тажрибада синалган ва мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этувчи инновацион тажрибаларни кенг қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай инновацион

технологиялардан бири “кластер модели” ҳисобланади. Бугунги кунга қадар у мамлакатимизда кўпроқ аграр, тўқмачилик ва енгил саноат соҳаларида кенг қўлланилиб келинмоқда эди. Кластер модели қисқа муддатлар ичида иқтисодиётда истиқболли инновацион йўналиш сифатида эътироф этилди ҳамда ушбу моделни бошқа соҳаларда қўллаш тажрибалари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳамда рақобат, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур.

Бугунги кунда жамиятнинг барқарор ривожланишида таълимнинг юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, замонавий талаблар, тизимдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги тарқоқлик узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруриятини тақазо этмоқда.

Кластер ёндашуви алоҳида соҳа бўлиб, рақобатбардош, самарадорликка эришишдан ҳар томонлама манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми бўлиб, ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлаклардан иборат бўлган тузилма сифатида қаралади.

Тадқиқот ишимизда мамлакатимизда амалда бўлган таълим тизими, ундаги интеграция жараёнларининг ҳолати, тизимдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш борасида яратилаётган илмий-услубий ва таълимий илмий, адабиётлар шунингдек, хорижий тадқиқотчиларнинг таълим кластери бўйича илмий тадқиқот ишларидан манбаа сифатида фойдаланилди. Тадқиқот материаллари адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-статистик,

моделлаштириш, қиёсий-таққослаш), диагностик (кузатиш, сўровлар, суҳбат, сўровнома, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик, математик ва педагогик эксперимент (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) каби методлар мажмуи воситасида тадқиқ қилинди.

Илмий манбаларда “Кластер” тушунчаси борасида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, “педагогик таълим кластери” тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. “Педагогик таълим кластери” – маълум бир географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги, тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технология ҳамда инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизмидир.

Мамлакатимизда педагогик таълим кластерининг субъектлари сифатида таълим муассасаларининг таълимий, илмий, услубий фаолиятининг сифатини оширишга хизмат қиладиган барча давлат ва нодавлат ташкилотларини педагогик таълим кластерининг компонентлари деб тушуниш мумкин.

Кластер модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ҳамда айни пайтда, ҳар бир субъект умумий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, хусусий манфаатдорликда иш юритади. Унинг субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини ҳосил қилади, ўзаро ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини етарли даражада кенгайтиради. Шунингдек, педагогик таълим кластери субъектлари қуйидаги стратегияларга асосланади:

- ҳудуд нуқтаи-назаридан жойлашган географик стратегияга;
- таълим ва тарбия технологияларидаги яқинлик

нуқтаи-назаридан технологик стратегияга;

- умумий мақсад атрофида бирлашиш нуқтаи назаридан фокуси стратегияга;

- ишлаб чиқариш ва илм-фан билан муносабатига кўра лотераль стратегияга;

- ҳамкорликни қандай ташкил қилиш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан сифат стратегияларга асосланади.

Субъектларни бир вақтнинг ўзида бир нечта стратегик фаолият олиб бориши ва унинг фокусини кластернинг умумий ҳамда хусусий мақсадларига тўғрилаш мураккаб жараён ҳисобланади. Аммо бу мураккабликни илмий ва амалий нуқтаи-назардан ҳал қилиш кластерлаштириш жараёнининг асосий ташкилий шarti ҳисобланади. Бир нечта субъектларни кластер доирасида ўзаро интеграциялаш мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий жараён бўлиб, ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китобларни ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади. Шундагина кластер субъектларининг ишончини қозонади. Кластерни маъмурий ва бюрократик йўллар билан амалга ошириб бўлмайди. У субъектларнинг ихтиёрий хайрихоҳлиги асосида ташкиллаштирилиши ҳамда самарали фаолият олиб бориши мумкин. Шу нуқтаи-назардан олиб қаралганда, ўзбек педагогикасида таълим кластери инновация бўлиб, ўзида нафақат таълим турлари ўртасидаги, балки фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини, шунингдек, таълимни бошқариш, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ соҳаларни ҳам қамраб олади.

Педагогик олимлар ва тадқиқотчилар томонидан таълимни кластерлаштиришнинг илмий-назарий асослари, унинг амалий жиҳатлари, кластерли ёндашув асосида ўқув фанларининг мазмунини такомиллаштириш ва услубий-дидактик таъминотини яратиш, улар асосида

билим олувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш, касбий ва шахсий сифатларини ривожлантириш методикаси тадқиқ қилинмоқда.

Мамлакатимиз педагог олимлари ва тадқиқотчилар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

А.Ҳ.Боймуродов тадқиқот ишида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг мазмунини кластерли ёндашув воситасида такомиллаштириш орқали замонавий таълим технологияларини алоқадорлик, узвийлик, замонавийлик тамойиллари асосида жорий этиш, умумий ўрта таълим тизимида инновацион кластерларни ташкил қилиш шакллари умумтаълим муассасаларида контентларни бошқариш тизими технологияси асосида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти, информатика ва ахборот технологиялари фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси ўқитиш технологиялари (кластер таҳлили, компьютер дастурий таъминотлари, муаммоли) масалалари тадқиқ қилинган.

Ш.И.Ботирова умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт фанини замонавий педагогик ёндашувларни татбиқ этган ҳолда ўқитишнинг кластер ёндашув механизминини ишлаб чиққан.

С.А.Тоштемирова эса, умумтаълим мактабларида кластер ёндашуви асосида таълим сифатини янада ошириш механизмлари интеграцион муҳит тамойилларига асосланган мобил ҳаракатли тезкор алоқа, ҳудудий яхлитлик ҳамда “мактаб-лаборатория” майдончаларининг имкониятларига устуворлик бериш масалаларини татқиқ қилган.

Г.Н.Шарипова таълим кластери шароитида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш модели ва уни амалиётга жорий этишнинг илмий ўқув-методик таъминотини ишлаб чиққан.

Н.М.Кошанова умумтаълим мактабларида синф раҳбарларининг ижтимоий-педагогик функцияси ва

кластер ёндашувига асосланган бошқарув технологияси ўқитувчисининг ушбу фаолият учун зарур бўлган шахсий, касбий хислатлари, ташкилотчилик, коммуникатив ва гностик малакалари, дидактик, когнитив, академик, перцептив каби қобилиятларини ҳисобга олиш кераклигини алоҳида таъкидлаган.

Илмий адабиётлар ва манбаларда кластер таркибига кирувчи субъектлар ўзлари ишлаб чиқарувчи маҳсулотларнинг, ахборот ва билимларнинг хусусиятларига кўра, ўзаро ҳамкорликнинг тузилиши, алоқаларнинг шакли, иштирокчилар фаолиятининг хусусияти, пайдо бўлиш табиати, асосий ресурснинг хили, кафилланганлик даражаси ва географик таркибий қисмнинг мавжудлиги бўйича таснифланади. Бундай тасниф кластер учун умумий характерга эга бўлиб, тармоқ кластерлари бўйича кўриб чиқилганда, уларнинг баъзилари кузатилмаслиги ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, педагогик таълим кластерини умумий ҳолатда қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир: "Педагогик таълим кластери"нинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаш, фаолият уфқларини олдиндан кўра билиш учун унинг қандай тамойилларга асосланиши ҳақида аниқ хулосаларга келиб олиш лозим бўлади.

Мамлакатимизда педагогик таълим кластери тамойилларини мавжуд шарт-шароитлар ва таълим сиёсати тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагича таклиф қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- узвийлик ва узлуксизлик, кластер субъектларининг ўзаро боғлиқликда занжир ҳосил қилиши, занжирни ҳосил қилувчи ҳар бир бўғин ўзининг аниқ вазифаларига эга эканлиги, узлуксизлик занжирида бўшлиқларга йўл қўйилмаслигидир.

- табиий алоқадорлик: кластер субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, алоқадорлик масаласининг табиийлиги, яъни боғлиқлик масаласининг соҳа, вазифа ёки ҳудудий жиҳатдан объективлиги.

- замонавийлик: соҳага оид замонавий илм-фан ютуқларини тизимга жорий қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланишдир.

- изчиллик: кластер субъектларининг вертикал ягона чизиқда жойлашуви, бунда оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб босқичма-босқич ҳаракатланиш тенденциясига амал қилинишидир.

- ворисийлик: кластернинг авлодлар алмашинувидаги роли, тьюторлик фаолияти, педагогик таълимни кластерлаштириш натижасида субъектларнинг малакали педагог ходимларга бўлган эҳтиёжининг мунтазам қондирилишига эришишдир.

- манфаатларнинг хусусийлиги: педагогик таълим кластери моделида унинг ҳар бир субъектининг ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлишидир.

- йўналтирилганлик: кластер доирасида амалга оширилаётган ҳар бир фаолият турининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, кутилаётган натижаларни олдиндан чамалаш ва баҳолаш имкониятининг мавжудлигидир.

- ўзаро назорат: кластер модели доирасида бирлашган таълим субъектларининг ўзаро ягона тизимни ҳосил қилиши ҳамда бу тизимнинг бехато ишлашидан ҳар бир субъектнинг манфаатдор эканлиги, маълум субъектда йўл қўйилган хато ёки камчилик бошқа субъектларнинг фаолият самарадорлигига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши, субъектлар фаолиятини ўзаро баҳолаш тизимининг йўлга қўйилишидир.

- мақсаднинг умумийлиги: кластер субъектларининг хусусий мақсадларидан ташқари глобал аспектдаги ягона мақсад атрофида бирлашувидир.

Содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирган, бу ахборотларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул

қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган мутахассис кадрларга эҳтиёж мавжуд.

Инновацион технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ижодий фаолиятга янгилик, ўзгартишлар киритишнинг педагогик жараёни бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан фойдаланилади, чунки таълим жараёнида бошқарув ролини ўқитувчи бажаради. Интерфаол таълим технологияларини амалга ошириш индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоа билан ишлаш шаклларда амалга оширилади.

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим технологиялари ёрдамида ўқувчиларнинг когнитив қобилиятларини ривожлантириш, эмоционал-иродавий (ҳиссий ҳолатни ва ўз ҳаракатларини бошқариш қобилияти, ўзини тутта билиш қобилияти, вазифаларни бажариш учун иродали ҳаракатлар қилиш, шунингдек меъёрлар ва талабларга риоя қилиш), баҳоловчи-фаолиятли, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга эришиш мумкин.

Интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аниқ мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш мумкин. Шу билан бирга, ўқувчиларни маълум бир билимлар соҳасини пухта эгаллашга йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали уларнинг билим ва кўникмаларини адолатли баҳолаш имконини беради. Шу боис интерфаол таълим технологияларидан ўқитиш жараёнида қўллаш натижасида:

- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;

- ҳар бир ўқувчининг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;

- ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришга бўлган

қизиқишни уйғотади;

- ўқувчиларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;

- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;

- ўқувчиларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;

- ўқувчиларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;

- ўқувчиларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди.

- “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш ўз моҳиятига кўра ташхис, мослашиш, амалий- фаолиятли, назорат-баҳолаш ҳамда рефлексив босқичларда кечади.

Босқичларда муайян педагогик вазифалар ҳал қилинади.

Педагогик таълим кластерини яратиш учун бир қатор муҳим шарт-шароитлар талаб этилади. Педагогик таълим кластерини шакллантириш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Худудларнинг мавжуд имкониятлари ва рақобатбардош устунликларидан фойдаланган ҳолда, таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- тизимнинг узоқ муддатли инновациялари ва бошқа стратегиясини белгиловчи етакчиларни аниқлаш;

- рақобатбардошликни (ички ва ташқи) таъминлайдиган ўқув муассасаси ходимларининг малака даражасини ошириш имконини берадиган илмий ташкилотларни белгилаш;

- ишонч ва ижодкорлик муҳитини яратиш;

- битта худуддаги таълим муассасаларининг умумий мақсадларидан келиб чиқувчи хусусий

манфаатдорликнинг мавжудлиги кабиларни киритиш мумкин.

Кластерни муайян тизим деб қараш мумкин, аммо унинг оддий тизимдан фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, бу махсус, ўзига хос тизим бўлиб, элементларни қўшиш билан унинг иши яхшиланади, аммо олиб ташлаш билан ҳалокатли оқибатлар кузатилмайди.

Тизим элементларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида вазифаларни бажаради, аммо улар муҳимлик даражасига нисбатан бир-биридан кескин фарқ қилади. Кластер таркибидаги элементлар эса тенг ҳуқуқли компонентлардан ташкил топади. Тизим таркибидаги элементлардан камида биттасининг ишламаслиги бутун тизимнинг нуқсонли ишлашига ёки ишламаслигига сабаб бўлади. Кластер таркибидаги элементлардан бирининг ишламаслиги самарадорликни пасайтириши мумкин, аммо қолган элементларнинг фаолиятини тўхтатиб қўймайди. Тизимни механик алоқадорлик асосида ҳам ташкил қилиш мумкин аммо, кластер таркибидаги элементлар онгли, табиий ва мақсадли алоқадорликка эга бўлиши лозим. Тизимни ташкил қилувчи элементларда ҳар доим ҳам хусусий манфаатдорлик талаб қилинмайди, аммо кластерда хусусий манфаатдорликсиз элементлар ишламайди.

Тизимда мақсад ягона бўлиб, ҳар бир элемент ўша асосий мақсадга бўйсундирилган бўлади. Кластерда эса, ягона мақсаддан ташқари ҳар бир элементнинг хусусий мақсади ҳам бўлади. Хусусий мақсадлар умумий мақсаддан кам аҳамиятга эга эмас. Тизим алоҳида қисмлардан иборат бутунлик, кластер эса, алоҳида бутунликлардан иборат бутунликдир.

Умумий мақсад таълим кластерида марказий ўринни эгаллайди. У ўқув жараёни доирасида битирувчиларнинг давлат таълим стандартлари асосидаги малакаларини таъминлайдиган қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир. Ушбу тизимни ўрнатиш орқали ўзаро ҳамкор-

лик доирасида кўнгиллилик ва ижтимоий этика асосида таълим муассасаларининг мақсадлари, манфаатлари, фаолияти ва имкониятларининг меҳнат бозорининг барча субъектлари билан интеграциялашишига эришиш мумкин.

Педагогик таълим кластерининг аҳамиятини соҳалар бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин:

✓ иқтисодий соҳада: самарали таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда;

✓ ижтимоий соҳада: педагогика таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашда;

✓ ҳуқуқий соҳада: кластер доирасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг, шунингдек, таълим муассасаларини бошқаришнинг янги шаклларига ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишда;

✓ маркетинг соҳасида: таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида инновацион таълим технологияларининг янги имкониятларни оммавийлаштиришда;

✓ педагогика соҳасида: узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлашни ҳамкорликда лойиҳалаш соҳаларида кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим сифатини такомиллаштиришда кластерли ёндашув давлат таълим мазмунини янгидан ташкил қилиб, таълим кластери субъектлари ўртасидаги муносабатларни таълим сифати гоёлари орқали ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини берди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Келтирилган таҳлиллар, илмий-назарий мулоҳазалар ҳамда таклифлардан келиб чиқиб, кластер фаолиятининг изчил ва барқарор ривожланиши учун интеллектуал ва моддий ресурсларни жалб қилиш муҳимлигини инобатга олган ҳолда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Кластерли ёндашув таълим сифатини

ривожлантиришда давлат таълим мазмунини янгидан ташкил қилиб, таълим кластери субъектлари ўртасидаги муносабатларни таълим сифати ғоялари орқали ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини берди.

2. Кластер ёндашуви алоҳида соҳа бўлиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми сифатида ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлаклардан иборат бўлган умумлашган тузилма сифатида қаралади.

3. Таълим кластери ўзбек педагогикасида инновация бўлиб, у ўзида нафақат таълим турлари ўртасидаги, балки фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграциялашув жараёнларини, шунингдек, таълимни бошқариш, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ соҳаларни ҳам қамраб олиши билан аҳамиятлидир.

4. Кластер нафақат таълимга нисбатан ўзига хос янги ёндашув асосида ҳаёт давомида таълим олиш учун шарт-шароитларни таъминлабгина қолмасдан, балки таълимнинг узлуксизлигини таъминлайдиган таркибий қисмлар ўртасидаги мавжуд ва истиқболли алоқаларни қайта тиклашга имкон беради.

II-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА "ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1-§. "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитишнинг услубий-дидактик таъминотини яратиш

Жаҳон иқтисодиёти тизимида кластерлар пайдо бўлишининг энг муҳим сабабларидан бири саноатдаги технологик ўзгаришлар кўламининг чекланиши ҳамда рақобатнинг кучайиши ҳисобланади. Унинг асосий ғояси корхонанинг бир ўзи бозорга кира олмайди, у бошқаси билан бирлашиши керак.

М.Портер минтақалар ва мамлакатлар рақобатбардошлиги билан боғлиқ кластер моделини ишлаб чиқди. Унинг фикрига кўра, кластер – бу географик жиҳатдан қўшни бўлган маълум бир соҳада фаолият олиб боровчи ва бир-бирини тўлдирувчи ҳамкор компаниялар, етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва бошқалар ҳамда улар билан боғлиқ ташкилотлар яъни, таълим муассасалари, давлат бошқаруви органлари, инфратузилма компаниялари гуруҳидир" деган таърифни беради. У кластер доирасига кирувчи "рақобатбардош" деб ном олган ташкилотларнинг афзалликларга эришиш шартлари тизимини белгилайди, уларга:

- ташкилотнинг тузилиши ва стратегияси, ташкилотларнинг тармоқ ичидаги рақобати: мақсадлар, фирмаларни бошқариш, ташкил этиш усуллари, стратегиялар, тармоқ ичидаги рақобат;

- ички талаб шартлари: жаҳон бозори талабларининг сифат ва ҳажмга мувофиқлиги, ривожланиш курсига ўхшашлик;

- омилли шартлар: инсон ва табиий ресурслар, илмий-ахборот салоҳияти, капитал, инфратузилма;

- хизмат кўрсатиш ва турдош соҳалар: замонавий технологиялар ва хом ашёни, ярим тайёр маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар ҳамда хом ашё билан таъминлаш

соҳалари.

Шундай қилиб, кластер тушунчаси ишлаб чиқариш муҳитидан минтақавий кластер, таълим кластери каби педагогик тушунчаларига ўзгарди. Кластер тушунчаси ишлаб чиқариш, иқтисодий кластер тушунчасидан ижтимоий кластер, таълимда инновацион жараёнларни шакллантириш кластери ва бошқа тушунчаларга ўзгарди. Ушбу атаманинг этимологиясини уни бирлашма, сектор, қатор каби анъанавий тушунчаларга мос ҳолда таҳлил қилиш имконини берди.

Таълим кластери фақатгина механик бирлашма хусусиятига эга эмаслигини Н.В.Сололова таъкидлайди. У "таълим кластери таълим мазмунини янгилашнинг функционаллиги, мобиллиги ва жамияти томонидан талаб қилинадиган таълим йўналишларининг мақсадга мувофиқ интеграциялашнинг улкан имкониятлари билан ажралиб туради" деган фикрни илгари суради.

М.Engayt минтақавий кластерлар назариясини ишлаб чиқди. Муаллиф давлатлар ичидаги рақобатбардошликнинг соҳавий фарқлари ва географик кўламда рақобатбардош устунликни ўрганиб чиқди. М.Engaytнинг таъкидлашича, "рақобатбардош устунликлар минтақавий даражада шаклланади, бунда миллий даражада ҳудудларнинг тарихий ривожланиш жиҳатлари, бизнесларнинг турли кўриниши, ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва таълимнинг хилма-хиллиги асосий рол ўйнайди". Муаллифнинг фикрига кўра, давлатнинг кластер сиёсатини минтақавий кластерлар амалга оширишнинг асосий объекти ҳисобланади.

МДХ давлатларининг таълим тизимида кластерлардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлари Ғарб давлатларидан кейин бошланди, аммо шунга қарамасдан, ушбу тушунчаларни аниқлашга катта ҳисса қўшилди. Сўнгги йилларда ҳудудларни ривожлантириш самарадорлигини ошириш бўйича таълим кластерларини жорий этишга тобора қизиқиш ортиб бормоқда. Таълим

тизимига ижобий ўзгаришларни киритиш учун минтақавий даражада таълим кластерларидан фойдаланилмоқда.

Республикамиз Ҳукумати томонидан давлат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири иқтисодиётда ва таълимда инновацияларга бўлган эҳтиёжларни рағбатлантириш, илмий тадқиқотларни шакллантириш, барқарор илмий-ишлаб чиқариш корпоратив алоқалари, инновацион тармоқлар ва кластерларни шакллантириш учун етарли шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади.

"Кластер" тушунчасига меъёрий ҳужжатлар даражасида қонуний таъриф берилмаган. Педагог олимлар таълим кластерини турлича изоҳлайдилар. Масалан, Н.Н.Давыдова ва Л.И.Осечкиналар таълим кластери деганда "саноат корхоналари билан тармоқ йўналиши ва шерикчилик муносабатлари бўйича бирлашган, ўзаро боғлиқ таълим муассасалари мажмуи"ни тушунади.

Нанотехнологиялар бўйича луғатда "Таълим кластери – фан-технология-бизнес инновацион занжирида ҳамда занжир ичида горизонтал алоқаларга асосланган таълим ва мустақил таълим олиш тизимидир. Кластер яратишнинг стратегик мақсади таълим соҳасида минтақанинг рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир деган таъриф келтирилган".

Н.В.Сололова таълим кластерини ўқув вазифаларини ҳал қилиш жараёнида корхона томонидан илмий марказ, инновацион таълим ва иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли бўлган илмий-тадқиқот, ўқув, ташкилий-педагогик фаолиятни юқори даражада амалга ошириш тизими сифатида таърифлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот доирасида таълим кластерини ҳудудий асосда бирлашган ва бир-бири билан ўзаро ҳамкорликдаги ўзаро алоқадор муассасалари мажмуи сифатида тушунамиз. Таълим кластерининг ишлаш тамойиллари иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа билан ўзаро алоқадор ягона ўқув, илмий

ва инновацион жараёнлардан иборат узлуксиз таълим жараёни ва турли даражадаги таълим модулларини мувофиқлаштириш, унинг барча субъектлари ўртасидаги ўқув-методик, ташкилий, ахборот ва илмий ҳамкорликдан иборатдир.

Таълим кластерининг афзалликларини Э.Р.Скорнякова қуйидагича кўрсатади:

1. Таълим муассасаси учун янада тартибли тизим (кластер)га бирлашиш ўсиш нуқтаси бўлиб, унга бошқа ташкилотлар қўшила бошлайдилар.

2. Кластерни шакллантиришнинг асосий диққати ташкилотлар, кластер аъзоларининг яқин ҳамкорлигининг "фойдали" бозор механизми ҳисобланади.

3. Кластерни шакллантириш жараёни ресурслар ва технологиялар бўйича маълумотлар алмашинувида ҳамда шериклар ўртасидаги эҳтиёжларга асосланади. Кластернинг барча аъзолари учун эркин маълумот алмашинуви ва турли каналларга янгиликларни тез тарқатиш имконияти мавжуд.

4. Илмий-тадқиқот ташкилотлари билан инновациялар кластер ривожланишини белгиловчи муҳим омиллар ҳамда кластернинг алоқаларига асосланган хилма-хиллик ҳисобланади.

5. Кластер ичидаги турли соҳалардаги ҳамкорлар бирлашмаларнинг ички ресурслардан самарали фойдаланиш қобилияти муҳим аҳамиятга эга.

6. Кластер таълим тизимига етарли даражада сармоя жалб этишда ижобий рол ўйнайди.

Таълимда таклиф этилаётган янгиликларнинг мазмуни ва моҳиятини тушуниш учун "Кластер" тушунчасини табиий-илмийдан гуманитар парадигмагача бўлган эволюциясини таҳлил қилиш зарур. Масалан, иқтисодиётда "Кластер" тушунчаси умумий саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ ёки бир-бирини тўлдирувчи товарларни ишлаб чиқарадиган ҳамда сотадиган ташкилотларнинг тармоқ ва географик ҳамкорлигини

билдиради. Таълимдаги "Кластер" бу - бир хил ўқув мақсадларини белгилаш ҳамда жамоавий таълим-тарбия фаолиятини амалга оширувчи касбий тайёргарлик даражаси ва мутахассислиги бўйича фарқланадиган турли хил таълим муассасалари бирлашмасидир.

Таълим кластерини ривожлантириш учун бизнес-дастурларни амалга ошириш, бизнес-дастурларни, фундаментал ишланмаларни ва ахборот коммуникация технологияларини лойиҳалашнинг замонавий тизимларини, уларни ишлаб чиқиш усуллари, шунингдек бизнес-дастурларни амалга ошириш учун зарур бўлган кадрларни тайёрлаш ва касбий қайта тайёрлашни боғлаш зарурати ўзаро бир-бири боғлиқ ҳисобланади. Таълим хизматларини кўрсатувчи иш берувчи, таълим кластерини асосий молиявий сармоя соҳасини аниқлаш имконини берувчи кўп томонлама амалий йўналтирилган билим, кўникма ва малакалар манбаи сифатида белгилайди. Таълим кластери ягона тизим сифатида ишлайди ҳамда унинг асосий вазифаси бизнес учун малакали кадрлар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, амалга оширилган таҳлиллар таълим кластерининг қуйидаги дидактик имкониятлари ажратиб кўрсатиш имконини беради, улар:

- таълимнинг турли даражаларида олдиндан белгиланган таълим муассасаларининг таълим ресурслари ва имкониятларини ўзаро бир-бири билан бирлаштириш.

- турли ташкилотларнинг саъйи-ҳаракатларини бирлаштириш асосида режалаштирилган сифатли таълимий натижага эришиш;

- муайян ўқув вазифаларини ҳал қилиш учун олдиндан белгиланган таълим муассасаларини йирик марказларда бирлаштириш;

- манфаатдор таълим фаолияти ташкилотлари ва субъектларининг ихтисослаштирилган тармоқлараро интеграцияси ҳамда ҳамкорлиги;

Бир нечта таълим муассасаларини таълим кластерига бирлаштириш асосида замонавий ташкилий шаклларни қўллаш соҳасидаги ҳамкорлик, масалан, таълимнинг турли даражалари, идоровий мансублиги ва турли йўналишдаги таълим муассасаларининг тармоқ ҳамкорлиги назарда тутилади. Шунингдек, тармоқ ҳамкорлигига асосланган кластерларни бирлаштириш таълим ресурсларини, таниқли мутахассисларни жалб қилиш, дидактик имкониятларни кўпайтириш, инновацион таъсир доираси ва тадқиқот фаолияти салоҳиятини ошириш имконини беради. Инновацион нуқтаи назардан таълим кластерлари турли йўналишдаги таълим муассасаларининг фаолиятини асосий ўсиш нуқтаси ҳисобланади.

Чекланган ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар яъни кластер аъзолари мажмуи қуйидагилар билан тавсифланади: илмий- ишлаб чиқариш занжирида кластер иштирокчиларини бирлаштириш, ҳар бир корхонанинг юқори даражада концентрацияси туфайли иқтисодий самарадорлиги ва натижавийлигини оширишда ифодаланувчи синергетик самара, кластер аъзоларини мувофиқлаштириш ва фаолиятини бошқариш механизми.

Е.И.Соколованинг фикрига кўра, инновацион таълим кластери бир қатор илмий ва таълим муассасаларини маълум бир гуруҳга механик бирлаштириш эмас, балки уларнинг яқин ҳамкорлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Бу кластернинг алоҳида қисмларини ва бутун кластерни сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келади, шу билан бирга янги сифатли маҳсулотни яратиш учун унинг ишлаши зарур.

А.А.Мигранян инновацион таълим кластерини минтақа иқтисодиётида рақобатбардошликни ошириш учун рағбатлантирувчи инновацияларни, янги билимларни тез ва самарали тарқатиш мақсадида кластерли ҳамкорлик афзалликлардан фойдаланиш имконини берувчи турли ташкилотларнинг тизимли бирлашмаси сифатида белгилайди.

“Кластер”, “таълим кластери”, “инновацион таълим кластери” каби тушунчаларининг таҳлили, ахборот-таълимий кластерининг таърифини шакллантириш имконини берди. Ахборот-таълимий кластер таълим муаммоларини ҳал қилиш ва замонавий таълим натижаларига эришиш учун таълим муассасасининг инновацион таълим фаолияти доирасида бирлашган таълим муассасалари, ижро этувчи ҳокимият органлари, илмий мактаблар, бизнес тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва бошқалар каби ўзаро боғлиқ объектларни ўз ичига олган очик тармоқ тузилмасини англатади.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ҳаётий зарурати ва ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда таълимнинг барча босқичларида иқтисодий таълимнинг ўқув дастурлари изчиллиги ва ўзаро мувофиқлиги таъминланди. Умумий ўрта таълим мактабларида “Иқтисодий билим асослари” ўқув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг ўзаро интеграциялашувини, шу билан бирга ўқитиш мазмуни-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштириш кўздатутилади. Шумақсадда 1-4-синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси”, 5-7-синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари”, 8-9 синфларда “Солиқ асослари” ўқув курслари бошланғич синфларда “Атрофимиздаги олам”, “Ўқиш”, “Математика”, “Одобнома”, “Меҳнат”, юқори синфларда “Математика”, “География”, “Тарих” фанлари дастурларига интеграцион ёндошув асосида дарслар ўтилиши ташкил этилди.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларининг ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, уларга солиқлар ва

солиқ тўловлари тўғрисидаги билимларини ошириш, уларга солиқлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни бериш, ўсиб келаётган ёш авлодда солиқлар ва солиқ тўловларининг аҳамияти ва роли тўғрисидаги билимларни шакллантириш, солиқларнинг тарихи, тўлаш тартиблари, моҳияти, солиқларни халқ ва давлат фаровонлиги манбаи эканлиги ҳақидаги бошланғич билимларни шакллантириш мақсадида дарсдан ташқари вақтларида Солиқ тизими идоралари билан ҳамкорликда тадбирлар ва “Иқтисод ва солиқ сабоқлари” тўғаракларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Иқтисодий билим асослари” фанининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди, иқтисодий саводхонликларини юксалтириб, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш кўникма ва малакаларини шакллантиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда иқтисодий таълимни амалга оширилишида таълим-тарбиянинг узвий ва узлуксизлиги катта аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида иқтисодий билимларни когнитив қабул қилиш ташқи ахборотларни ақлий фаолият асосида қайта ишлашга йўналтирилган фаолиятдир. Ўқув жараёнига нисбатан когнитив лаёқатни ривожлантириш: ўқув ахборотларини ўзлаштириш учун хотирани машқлантириш; ахборотлардан фойдаланиш жараёнида ақлий фаолият усуллари ўзлаштиришдан иборат.

Шунингдек, ўқувчиларнинг когнитив лаёқатини таъминлашда иқтисодий атамалар, бизнес-режа, иқтисодий хўжалик ҳисоб-китобларини англаш имкониятини маҳсулдор ўқув материаллари ёрдамида кенгайтиришни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш муҳим. Бунда, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш, уларнинг иқтисодий билимга бўлган қизиқишларини аниқлаб, уларни мустақил фикрлашга ундаш, таълим тизимидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш муҳим.

Ўрта мактабда иқтисодий таълим мақсад ва

вазифалари “Иқтисодий билим асослари” фани бўйича стандартларни тузишда иқтисодий таълимнинг мақсадини белгилаб олиш зарурдир. Иқтисодий таълимнинг асосий мақсади – ўқувчининг иқтисодий фаолият субъекти сифатида қаралган ҳолда ўқувчиларнинг келажакдаги ҳаёт қobiliятларини ошириш ва бунинг учун иқтисодий фаолият тузилишини ўрганиш, ундаги ўзининг ўрнини ҳис этиш, замонавий иқтисодий ҳуққ-атвор нормаларини, иқтисодий маданиятни эгаллаш, замонавий иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдаш иборатдир.

Иқтисодий таълим яна қуйидаги мақсадларга эришишига ҳам имконият яратади:

- халқимизнинг тарихий, интеллектуал, маънавий ва иқтисодий меросини ўргатиш;

- ватанпарварлик, миллий ғурурни таркиб топтириш, ривожлантириш, иқтисодиёт илми ривожига ҳисса қўшган қомусий олимларимиз илмий меросидан хабардор қилиш;

- ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш;

- ўқувчиларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, янги иқтисодий маданият ва тафаккурни шакллантириш;

- замонавий иқтисодий билим асослари ва тадбиркорлик асосларини сингдириш;

- Республикамизнинг иқтисодий салоҳияти, олиб борилаётган иқтисодий сиёсат асослари, бозор иқтисодиётида ўтиш тамойиллари билан таништириш;

- ўқувчиларга янги вужудга келган иқтисодий шарт-шароитлар асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган энг зарур иқтисодий билим ва малакаларни бериш;

- ўқувчиларни жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришларнинг иқтисодий моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, фикр юритиш ва ўз муносабатини билдириш, иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазифаларидан энг муқобил ечим топа билишга ўргатиш.

“Иқтисодий билимлар асослари” фани бўйича стандартни тузишда иқтисодий таълимнинг мақсадини белгилаб олиш зарурдир. Иқтисодий таълимнинг асосий мақсади-ўқувчини иқтисодий фаолият субъекти сифатида қаралган ҳолда ўқувчиларнинг келажагидаги қобилиятларини ошириш ва бунинг учун иқтисодий фаолият тузилишини ўрганиш, ундаги ўзининг ўрнини ҳис этиш, замонавий иқтисодий хулқ-атвор нормаларини, иқтисодий маданиятни эгаллаш, замонавий иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдан иборатдир. Иқтисодий таълим яна қуйидаги мақсадларга эришишга ҳам имконият яратади:

- ватанпарварлик, миллий ғурурни таркиб топтириш, ривожлантириш, иқтисодиёт илми ривожига ҳисса қўшган қомусий олимларимиз илмий меросидан ўқувчиларни хабардор қилиш;

- миллий мустақиллик, ҳалқимизнинг тарихий, интеллектуал, маънавий ва иқтисодий меросини ўргатиш;

- ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш;

- ўқувчиларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, янги иқтисодий маданият ва тафаккурни шакллантириш,

- замонавий иқтисодий билим асослари ва тадбиркорлик асосларини сингдириш;

- мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, олиб борилаётган иқтисодий сиёсат асослари, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари билан таништириш;

- ўқувчиларга янги вужудга келган иқтисодий шарт-шароитлар асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган энг зарур иқтисодий билим ва малакаларни бериш;

- ўқувчиларни жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришларнинг иқтисодий моҳиятини англаш, фикр юритиш ва ўз муносабатини билдириш, таҳлил қилиш, иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятларда энг маъқул ечим топа билишга ўргатиш.

Мазкур ислохотлар замирида Ўзбекистоннинг таълим тизимида янги бир фан “Иқтисодий билим асослари” фанининг ўқитилиши жорий этилган бўлиб, мазкур фanning жорий этилишидан кўзланган мақсад ёш авлодга замонавий билимлар бериш, касб – ҳунар ўргатиш, иқтисоддор, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ўстириш, уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, энг фазилатларга садоқат руҳида, замонавий иқтисодий хулқ – атвор нормаларини, иқтисодий маданиятни эгаллаш, иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдан иборат.

Таълим назарияси ва амалиёти ҳолатини таҳлил қилиш иқтисодий компетентликни шакллантириш жараёнининг барқарорлигини таъминлаш фақат махсус педагогик моделни қуриш ва амалга ошириш орқали мумкинлигини исботлади. Мазкур параграфда замонавий таълим кластери шароитида ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигини шаклланишининг моделини ишлаб чиқиш бўйича фикр билдирилган.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёни мураккаб жараён сифатида бир қанча объектив ва субъектив факторларга боғлиқ бўлиб, жараён муваффақияти нимани, қандай ва қачон ўзгартириш кераклиги ҳамда ҳозирги ва келажакдаги ҳолатни аниқ тасаввур қила олишга боғлиқ бўлиб, мазкур муаммо моделлаштириш усули ёрдамида ҳал қилиниши мумкин.

А.И.Ватулин ўз тадқиқотларида “моделлаштириш объектнинг билвосита амалий ёки назарий тадқиқ усули бўлиб, унда ўрганилаётган объект эмас, балки тадқиқотнинг маълум босқичларида уни ўрнини боса оладиган, ўрганилаётган объект билан маълум бир объектив мувофиқликда бўлган ва якуний таҳлилда моделлаштирилаётган объект ҳақида маълумот берадиган ёрдамчи сунъий ёки табиий тизимдир” деб таъкидлайди.

Н.К.Зотованинг таъкидлашича, моделлаштириш

- бу ўрганилаётган ҳақиқий объектни у ёки бу тарзда бирламчи объектга ўхшаш бўлган худди шундай идеалига алмаштириш жараёнидир. Биринчи объект асли, иккинчиси эса модел деб аталади. Моделлаштириш жараёнида баъзи дастлабки таҳлилни соддалаштирадиган шартлар, тахминлар аниқланади. Шунингдек, моделни яратишда моделлаштириш назариясининг асосий принциплари ҳисобга олинади: мақсадлилиқ, объект ва моделнинг ўхшашлиги, моделнинг тизимлилиги, моделлаштиришда объектив ва субъективликнинг бирлиги, когнитив ва шакллантирувчи моделлаштириш функциялари.

Моделлаштириш туфайли педагогик жараён технологик жиҳатдан ривожланиб боради. Бунда моделлаштиришнинг мақсади - ўрганилаётган педагогик, концептуал тизимларнинг схематик ифодаланишида кўринади.

Педагог олим Н.А.Муслимов мутахассис модели тушунчасига қуйидагича таъриф беради: мутахассис модели бу - ишлаб чиқариш соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Педагогикада аниқ, статистик моделни яратиш деярли мумкин эмас, бунга сабаб педагогик фаолият одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодаловчи ижодий жараёндир ва ҳар бир киши ўзаро муносабатларнинг индивидуал муайян ёндашувлари ва усуллари талаб қиладиган шахсдир.

Модел қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак: қўллашнинг соддалиги, оддийлик, баённинг аниқлиги, ифодалилиги билан энг муҳим характеристикаларни қамраб олиш. Кўриниб турибдики, педагогик моделлар максимал даражада дидактик объектларни қамраб олиши ва ўқитишнинг шароитлари, мазмуни методлари, шакллари тасвирлаш имконини беради.

Ушбу моделни ишлаб чиқиш учун илмий ёндашувларга таяниш зарур. Тадқиқотчи-педагоглар таълим жараёнини такомиллаштиришга нисбатан турлича ёндашувларни таклиф қиладилар (А.Л.Андреев, В.П.Беспалько, О.В.Лешер, В.Н.Худяков, Н.Л.Худякова ва бошқалар). Уларнинг ҳар бири ўзининг ижобий томонларига эга бўлган илмий билишни ташкил қилишнинг муайян турини акс эттиради. Шу муносабат билан бир қатор тегишли методологик ёндашувларни танлаш муаммоси юзага келади. Умумий ўрта таълим мактаблари муаммоларини тадқиқ этишга назарий методологик ёндашувларни таҳлил қилиш бизни иқтисодий компетентликни шакллантириш жараёнини келгусида такомиллаштириш тизимли, компетентли, аксиологик, шахсга йўналтирилган ва фаолиятли ёндашувларнинг мажмуи нуқтаи назаридан энг маҳсулдор бўлишига ишонтирди. Уларга атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида иқтисодий компетентликни шакллантириш мураккаб ташкил этилган объект эканлигини ҳисобга олиб, таълимни бошқариш муаммолари бўйича ишларни таҳлил қилиш тизимли ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон берди.

Тизимли ёндашув объектларни тизимлар сифатида кўриб чиқади ва унинг яхлитлиги, амал қилиш тамойиллари, ички алоқадорлигини очиб беришда объектдаги турли алоқалар турларига йўналтиради. Тизимли ёндашув объектлар таркибий тузилиши, уларни ташкил қилувчи компонентлар орасидаги ўзаро боғлиқлик, компонентлар функциялари, уларнинг муносабатларини очиб беришга имкон беради. Билиш усули бўлган тизимли ёндашув билиш объектлари, уларнинг компонентлари, таркибий алоқаларни бир бутунликда кўриб чиқишга йўналтирилган.

Ўқувчиларда иқтисодий компетентликни шакллантиришнинг тадқиқ қилинаётган муаммосига

тизимли ёндашувни жамият ривожланиши даражасига мувофиқ равишда мақсад ва вазифаларни, шахс эҳтиёжлари ва таълим воситалари, мазкур соҳада иқтисодий компетентликни шакллантириш бўйича қўйилган мақсадларга эришиш учун педагогик воситаларни танлаш, иқтисодий компетентликни шакллантириш соҳасида педагогнинг касбий маҳорати мақсад ва вазифалари ҳамда даражасига мос равишда таълим воситаларини танлаш, ва ниҳоят, ўқувчиларда иқтисодий компетентликни шакллантиришнинг самарали моделини таъминлаш каби жиҳатларни аниқлаб олишни ўз ичига олган билишни ташкил қилишнинг сифат нуқтаи назаридан янада юқори даражасини назарда тутати.

Тадқиқотда тимизли ёндашувни амалга ошириш педагогик ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда "тимиз" тушунчасига киритилишини тақозо қилади. Мазкур йўналишда В.П.Беспалько, Н.В.Кузьмина, Г.Н.Сериков, В.А.Сластенин, В.Н.Худяков, Е.В.Яковлев ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар. Тимизли ёндашувни амалга оширишда биз тимиз остида ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсирда бўлган ўзаро шартланган компонентларнинг яхлит мажмуасини тушунамиз.

Бизнинг тадқиқотимиз доирасида таълим жараёни самарадорлигини оширишнинг янги усуллари ва воситаларини топиш зарур, хусусан, иқтисодий компетентли ўқувчиларини тайёрлаш соҳаси бунга яққол далил бўла олади.

Ўқувчиларда иқтисодий компетентликни шакллантириш жараёни очик, бошқариладиган тимиз ҳисобланади. Шу боис муҳим жиҳатлардан бири ўқувчиларнинг билишга оид фаолиятини бошқаришнинг тимизини яратиш бўлиб, уни остида таълимнинг мақсадига эришишни таъминловчи иқтисодий фанларга ўқитиш жараёнини ташкил қилиш воситаси тушунилади. Масалан, бизнес-режа, маҳорат дарслари, молиявий саводхонлик тренинглари орқали аниқ

танланган тадбиркорлик ишининг барча босқичларини тавсифлаш ва ҳисоб-китоб лойиҳаси билан ишлаш, аниқ танланган тадбиркорлик ишининг ҳамма томонлари, бизнес режа ўз таркиби жиҳатидан лойиҳанинг афзалликлари ва уни амалга оширишдан кутиладиган молиявий натижалар бўйича якуний ҳулосалар бўйича назарий ва амалий кўникмаларни ривожлантириш жараёнини амалга оширишда, ўзини ўзи бошқариш тимизлар ҳолатига баҳо бериш, бошқарув мақсадини аниқлаб олиш, унга босқичма босқич эришиш йўллариини излаб топиш, уни амалга оширишнинг мазмуни ва воситаларини аниқлаб олиш, мақсадларни амалда рўёбга чиқариш ва таҳлил қилиш, бошқарув натижаларини тўғрилаб олиш ва натижаларига баҳо бериш билан боғлиқ.

Демак, Умумий ўрта таълим муассасаларида "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни ва иқтисодий маданиятни шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятларда энг мақбул ечим топа олиш ва тўғри қарор қабул қилишга ўргатишдан иборат. Фаннинг асосий вазифаси эса ўқувчиларда кундалик фаолиятда қўллаш, фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун зарур бўлган иқтисодий билимларни шакллантириш, табиий-моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва асраб-авайлаш, онгли равишда касб танлашга йўналтиришдан иборатдир.

Ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда интеграция, меҳнат муносабати билан боғлиқлик, тарбиявий омиллар бирлиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжига мослик, шахснинг эҳтиёж ва имкониятлари бирлиги, индивидуал хусусиятларни иноватга олиш, табақавий ёндашиш, жамоа имкониятининг устуворлиги, ўйин характериға эғалик каби тамойиллар устуворлик касб этади.

2.2-§. Ўқувчиларининг иқтисодий кўникмаларини ривожлантириш жараёнини моделлаштириш

Маълумки, тизимли ёндашувнинг қуроли тизимли таҳлил бўлиб, у мураккаб объектларни ўрганишни усул ва воситалари мажмуини ўз ичига олади. Мазкур мажмуага моделлаштириш, график, эвристик ва бир қатор бошқа усуллар киради. Педагогик жараёнларнинг тизимли таркибий таҳлили таркибига замонавий таълим жараёнини методологик асослантириш киради.

Тизимли таҳлил усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда билишга оид жараёнини моделлаштириш қуйидагиларни назарда тутди: тизимни ажратиб кўрсатиш; унинг таркибий тузилишини белгилаш (тизимларга бўлиш ва поғонама поғона иерархияни аниқлаб олиш); моделнинг кириш ва чиқиш таъсирларини тавсифловчи мазмунли моҳиятини аниқлаш ва танлаб олиш; бошқариш ва ҳолат ўлчамларидаги чекловларни ҳисобга олиш; ҳолат ва бошқарув ўлчамлари орасида ўзаро боғлиқлик турини аниқлаб олиш.

Иқтисодий компетентликни шакллантириш жараёнини бошқариш таркибий тузилишини ишлаб чиқишни тизимли ёндашувнинг вазифаси деб ҳисоблаймиз. Мазкур жиҳатни тизимли хусусиятларни билиш нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз: яхлитлик (ўзаро бир бирини тўлдирувчи компонентлардан иборат бирлик – иқтисодий фанлар цикли), компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги (компонентларнинг тартибга солинган алоқалари - иқтисодий компетентликни шакллантириш жараёни моделининг натижалари), натижакорлик (компонентлар орасида ўзаро алмашилишни таъминловчи каналлар – ўқувчига ва ундан тескари узатилаётган ахборот), интегративлик (бир-бутунга хос бўлган, бироқ алоҳида олганда мазкур яхлитликнинг битта ҳам алоҳида компонентиға тегишли бўлмаган сифатларға эға бўлиш).

Ўқувчиларнинг билишға оид жараёнини тизим сифатида тасаввур қилиш ва уни тадқиқ этиш

мақсадида тизимли таҳлил аппаратини жалб қилиш мумкин. Иқтисодий компетентликни шакллантириш моделини қуриш асоси сифатида қуйидагиларни олиш мумкин: Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий кўникмаларни шакллантириш жараёни босқичма босқич амалға оширилади, яъни дискретлик хусусиятиға эға бўлади; ҳар бир босқич босқичларни ўз ичига олган бўлиб, улар психологик-педагогик, методик ва иқтисодий цикл фанларини изчил ўтишни ва бу орқали ўқувчининг тадқиқ этилаётган хусусиятини шакллантиришға хизмат қилади; мазкур босқичларни бошқариш тизимлари орқали амалға оширилади.

Тадқиқотимиз мазмунидаги компетентли ёндашувда таълим жараёнини натижа олишға йўналтириш акс этган: иқтисодий билимларни эгаллаш, иқтисодий фаолиятни амалға оширишда ўқувчи учун зарур бўлган иқтисодий билимлар, кўникма ва ижодий қобилиятларни эгаллаш. Педагогик адабиётларда компетентли ёндашув В.И.Байденко, М.Е.Дуранова, И.А.Зимняя, В.Сериковнинг ишларида методологик ва назарий жиҳатдан кўриб чиқилади, шунингдек амалий методологик жиҳатдан битирувчининг тайёргарлик даражасиға қўйилган талаблар бўлимида ДТСнинг натижавий-мақсадли асосини белгилашда ифодаланади (И.Г.Галямина, В. Коршунов ва бошқалар.).

Мутахассиснинг касбий тайёргарлигига компетентли ёндашувни В.А.Болотов ва В.В.Сериков билим олиш шароитларини кузатиш, таълим маҳсулотини яратиш билан боғлайдилар. Мазкур ёндашувда муаллифлар қуйидаги компонентларни ажратиб кўрсатадилар: фан ва фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари; тушунчаға оид билимлар; фаолиятнинг апробация қилинган усуллари тўплами; маълум қийинчиликлар бўлганида билишға оид ва бошқа турдаги фаолиятни бажариш тажрибаси; рефлексив фаолият.

Тадқиқот муаммосининг ўзига хослиги ва

мазмунини тушунтиришга аксиологик ёндашув унинг хусусиятларини қадрият тушунчаси атрофига тўплаш имконини беради. Қадимги антик файласуфлар (Сукрот, Платон ва бошқалар), шунингдек қадриятли ёндашув Декарт, Спиноза, Локк асарларида ҳам ўз аксини топган. Педагогикада аксиологик ёндашув ўқув жараёнини ўрганиш ва ташкил қилишни ўрганишнинг раҳбарий йўриқномаси сифатида ифодаланади. Бу, барча педагогик жараёнлар ва ҳодисаларнинг кўриб чиқиш уларнинг кадр-қимматлиги, ижобий аҳамияти, шахс ва жамият эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиши зарур.

Қадриятлар тоифаси умумилмий тушунчалар қаторига кирган бўлиб, унинг методологик аҳамияти педагогика учун катта аҳамиятга эга. Қадриятлар муаммоси бўйича мамлакат педагогик тадқиқотлари орасида В.И.Андреев, И.Ф.Исаева, А.В.Кириякова, Н.Л.Худяковаларнинг тадқиқотлари энг катта қизиқиш уйғотади.

В.И.Андреев қадрият тушунчасини ижтимоий-шартланган устунликка мувофиқ тарзда сифат эталони ва керак бўлган нарсанинг идеали бўлиб хизмат қиладиган хусусиятлар, объектлар, ҳодисалар, шунингдек назария ва ғояларни белгилаш учун қўлланилади.

Шундай қилиб, аксиологик ёндашув шахснинг таълим олиши ва ривожланиши учун ҳодиса ва предметларни уларнинг кадр-қиммати нуқтаи назаридан ўрганишни назарда тутати. Аксиологик ёндашув бизга мутахассис иқтисодий компетентлигининг ижтимоий-иқтисодий қадриятлари компонентлари очиб бериш, иқтисодий билим асослари фанини ўрганишни ўқувчилар учун зарурлиги нуқтаи назаридан ўрганилишини ташкил қилишга имкон беради.

Шахсга йўналтирилган ёндашув педагогик жараённинг иккита томони ўзаро алоқадорлиги: педагог ва ўқувчилар фаолияти билан боғлиқ. У ўқувчиларни

ўқув билишга оид фаолиятда, билишга оид ва бошқа қадриятларга уларнинг тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда йўналтиради. Таълим олишда шахсга йўналтирилган ёндашув мактаб ўқувчиларида билишга оид мустақилликни шакллантиришга қаратилган.

Шахсга йўналтирилган ёндашув мактаб ўқувчилари билишга оид мустақиллигини шакллантиришга, иқтисодий билим ва кўникмаларни эгаллаш, иқтисодий компетентликни шакллантиришда эришиш ва фаоллик мотивациясини юзага келтириш, мактабда ўқувчиларида иқтисодий компетентликни шакллантириш жараёнини услубий кузатиш имконини беради.

В.В.Давыдов фаолиятли ёндашувни шахснинг ҳаракатларга тайёрлиги билан боғлайди, зеро улар шахсни фаол равишда фаолиятга киришишга ундайди. Ҳар қандай фаолият муайян мақсадлар, ўзининг предметли мазмуни, ташкил этилиш шакли, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш усуллари билан ажралиб туради. Мазкур ёндашувда диққат-этибор нафақат шахснинг фаолиятида, балки ижтимоий қадриятларда ҳам мужассамлашади. Мазкур ёндашув доирасида инсон фаолияти жараёнида яратилган ва ўзгартирилган ҳамма нарса қадрият сифатида тан олинади. Б.С. Гершунский фаолиятни қандайдир алоҳида соҳада воқеликни ижодий идрок этиш, тушуниш ва ўзгартириш сифатида талқин этади.

Педагогик жараён бу – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни, бошқа томонидан онгли ва доимий ўзлаштиришига, уларни амалда қўллаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган мақсадга мувофиқ, мазмунли ва ташкилий жиҳатдан шаклланган ўзаро алоқасидир. Кўпгина олимлар ўз тадқиқотларини педагогик жараёнларни моделлаштиришга бағишладилар. Бунинг сабаби шундаки: модел визуал характерга эга - унинг элементлари тузилиши, функциялари ва боғлиқлиги таъкидланган; модел ҳақиқатга тақлид қилади, бу педагогик жараённинг нусхаси; модел жараён пайдо

бўлишидан олдин уни ўрганиш, фаолият натижаларини башорат қилиш имконини беради.

Биз иқтисодий компетенцияни шакллантиришга қаратилган моделни такомиллаштиришда ва моделни амалга оширилишига таъсир қилувчи ташқи омилларга қуйидагиларни киритдик: ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мезонлари бўлиб хизмат қиладиган ДТС; ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражасига жамият талаблари.

Унда бундай моделни ишлаб чиқишга ва унга бевосита таъсир кўрсатишга сабаб бўлган омиллар (ДТМ талаблари ва жамиятнинг иқтисодий компетенцияли мутахассисларга бўлган эҳтиёжлари), шунингдек моделни яратишнинг асосий босқичлари (иқтисодий фанлар дастурларининг мазмунини ишлаб чиқиш ва иқтисодий компетенцияни шакллантириш жараёнини услубий қўллаб-қувватлаш) кўрсатилган. Тажриба-синов тадқиқотини ўтказиш шароитида бизнинг таклиф қилинган кетма-кетлик диаграммаси моделни услубий қўллаб-қувватлаш ва тажриба-синов тадқиқотлари натижалари ўртасидаги муносабатни акс эттиради; шунингдек, ўқувчиларнинг иқтисодий малакасини шакллантириш жараёнининг йўналишлари; тажриба-синов ишларини ўтказиш тартиби.

Тизимли, компетентли, шахсга йўналтирилган, аксиологик ва фаолиятли ёндашув асосида мактаб ўқувчиларда иқтисодий компетентлигини шакллантириш моделини ишлаб чиқилган бўлиб, уни касбий таълим доирасидаги тизим сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Моделга таъриф бериш учун унинг умумий таркибий тузилишини тасаввур қиламиз:

- 1) мақсадли компонент – ўқувчиларни иқтисодий тайёргарлигининг мақсад ва вазифаларини аниқлаб олиш;
- 2) методологик компонент – ёндашувлар, тамойиллар;
- 3) мазмунликомпонент–иқтисодийтайёргарликнинг

мазмунини (иқтисодий фанлар цикли дастурлари, услубий кузатиш);

4) технологик компонент – иқтисодий компетентлик таркибий тузилиши, унинг шаклланиш босқичлари, усуллари, воситалари.

5) Баҳолаш-натижавий компонент – натижавий компонент – мезонлари ва босқичлари.

Моделнинг ҳар бир компоненти мазмунини кўриб чиқамиз.

Мақсадли компонент моделимизнинг мақсадини белгилаб беради, бу – ўқувчиларда иқтисодий компетентликни шакллантириш. Мақсад агар у ўқувчиларнинг шахсий қадриятига айланганида етишган ҳисобланади. Мазкур компонент ўқувчиларда касбий нуқтаи назар, келажакдаги касблари доирасида иқтисодий фаолиятига қадриятли ёндашув, иқтисодий компетентликни шакллантиришга йўналганликни таъминлайди.

Ўқувчиларда иқтисодий компетентлигини шакллантириш мотивини тиклаш ва такомиллаштириш ўқитувчининг педагогик мақомини ҳисобга олган ҳолда яқка тартибдаги ёндашувни талаб қиладди. Илм-фанда психологик-педагогик мотивация муайян жараёни билдириб, унинг натижасида фаолият индивид учун шахсий маъно касб этади, унга нисбатан қизиқиш уйғотади ва унинг ташқи берилган фаолият мақсадларини ички эҳтиёжларга айлантиради. Бунда ташқи мотивация индивиддан ташқарида бўлган фаолиятларни тартибга солиш сифатида, ички мотивация индивиднинг ичида бўлган омилларни тартибга солиш сифатида тақдим этилади. Ички мотивация индивид учун муайян эҳтиёж ва кадр-қимматликни юзага келтиради. Мазкур босқичда шахсий муҳим мотивларнинг шаклланишини таъминловчи ўқувчиларга рағбатлантирувчи таъсир юзага келади. Педагогик фанда мотивация усуллариға ишонтириш, тушунтириш, асослантириш, талаб қилиш ва

бошқалар киради. Ўқувчиларнинг ички мотивациясини шакллантириш жорий ва истикболдаги мақсадлари билан танишиб чиқиш; олинаёт иқтисодий билимларнинг амалий назарий ва амалий аҳамиятини тушунитириш, касбий йўналганликка эга бўлган топшириқларни тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Мақсадни аниқлаштириш – фаолиятни бажаришни йўналтирувчи ва тартибга солувчи мотивацияли жараённинг таркибий қисмидир. Мақсад деганда, кутилаётган натижани тушуниш қабул қилинган. Моделимизнинг мақсади – ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигини шакллантиришдан иборат. Методологик компонентлар қуйидагиларни ўз ичига олади: (тизимли, компетентли, аксиологик, шахсга йўналтирилган, фаолиятли) ёндашувлар;

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш орқали иқтисодий компетенцияларини шакллантиришнинг дидактик модели мақсадли, мотивацион, мазмунли, жараёнли ва диагностик-натижавий компонентлари узвийлигида иқтисодий ижтимоийлик, узвийлик, узлуксизлик, мослашувчанлик, назария ва амалиётнинг бирлиги, касбга йўналтириб ўқитиш тамойиллари асосида ишлаб чиқилди.

Моделнинг мақсад блокида “Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш асосида ўқувчиларнинг иқтисодий компетенцияларини шакллантириш” асосий мақсад сифатида белгиланган.


Мазмунли блок таркибини вазифалар, ёндашувлар, тамойиллар, йўналишлар, таълим мазмуни ташкил этади ҳамда замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш орқали иқтисодий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган.

Технологик-жараёнли блокда ўқув материаллари

мазмунини танлаш мезонлари, ўқитишнинг инновацион таълим шакллари (коференция дарси, комбинацион дарс, экскурсия дарси), академик таълим шакллари (назарий, амалий ва семинар дарслари), таълим натижасида ўқувчиларнинг ривожлантирилувчи иқтисодий компетенциялари, таълим воситалари, иқтисодий компетенция компонентларини шакллантирувчи таълим технологияларини қўллаш асосида жараён амалга оширилади.

Педагогик лойиҳалаш моҳияти бўлажак фаолиятининг тахминий вариантларини яратиш учун уни олдиндан кўра билиш унинг натижаларини кўра билишдир. Бунда педагогнинг асосий эътибори яратилган янгилик механизми ва у ёки бу ҳаракат, жараён ва тизимлар давом эттирилишига, қўлланилишига қаратилиши керак.

Моделнинг рефлексив-баҳолаш блокида педагогик тажриба – синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни амалга оширилади. Педагогик тажриба-синов тажриба-изланиш, тажриба-таҳлил, назарий-экспериментал, тажриба-синов босқичларида ўтказилади, ўқувчиларнинг иқтисодий компетенцияларини ривожланганлик даражалари, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Натижа эса, иқтисодий компетенциялари ривожланган мактаб ўқувчисини тайёрлашга эришилади.



2.2.1-расм. Замонавий таълим кластери шароитида "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитиш орқали иқтисодий кемпетенцияларини шакллантиришнинг дидактик модели

Назарий таҳлил натижасида биз қуйидагитамойиллар тизимини шакллантирдик, унинг асоси сифатида мактаб ўқувчиларида иқтисодий компетентлигини шакллантириш олинган бўлиб, уларга: яхлитлик, очиқлик, ҳаракатчанлик, компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги, башоратлилиқ, натижакорлик киради.

Ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигини шакллантиришда модел мазмун-моҳиятида иқтисодий фанлар цикли катта аҳамиятга эга. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўқувчиларда иқтисодий компетентликни шакллантириш моделини ишлаб чиқишда унинг ичига киритилган иқтисодий фанлар цикли мазмун-моҳиятини аниқлаш муаммоси билан дуч келдик.

Иқтисодий билимларни ўрганишда моделлаштириш методи муҳим ўрин тутади. Айнан моделлаштиришда ўқувчилар иқтисодий тушунчаларни ўрганишни эшитиш, кўриш орқалигина эмас, балки ўзлари ҳам қатнашиб ўрганадилар. Бунда маълумотлар хотирасида узоқ сақланиб, фаол билим заҳирасини ташкил этади. Моделлаштирувчи машқлар ўқувчиларга абстракт иқтисодий тушунчалар, реал ҳаётдаги иқтисодий ҳодисаларни ифодалаш, уларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг иқтисодий кўникмаларини шакллантириш жараёни функциялари: назарий-билишга оид, мотивация ва мақсадни аниқлашни амалга ошириш, умумилмий билимларни олиш ва уларни идрок қилиш имконини беради; шахсга оид фаолиятли иқтисодиёт соҳасида билимлар ва кўникмалар тизимини шакллантириш имконини беради; касбга йўналтирилган, амалиётда касбий-иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, ижодий бошланмаларни рўёбга чиқаришга йўл очади. Мазкур функцияларнинг тавсифи 2.2.1-жадвалда берилган.

2.2.1-жадвал

Ўқувчиларда иқтисодий компетентликни шакллантириш жараёни вазифаларини тавсифлаш

Вазифа	Моҳият	Амалга ошириш субъектлари
Назарий билишга оид	Ўқувчи томонидан иқтисодий фанларнинг аҳамиятини тушунишга эришиш, уларни англаш ва идрок этишга иродавий уринишлар қилиш, ўқув қўлланмалар, электрон ресурслар ва бошқалардан ўрганиш.	Ўқитувчи - ўқувчи Ўқитувчи - ўқувчи
Шахсий фаолиятга оид	Ўқувчи томонидан қўшимча зарур назарий билимларни мустақил равишда излаб топиш ва мустаҳкамлашни назарда тутати.	Ўқитувчи - ўқувчи
Амалиётга йўналтирилган	Касбий вазиятда иқтисодий вазифаларни ечишнинг оптимал усуллари мустақил равишда танлаш, ўзига ўзи маъқул баҳо бериш қобилияти, касбий-иқтисодий фаолиятда ижодий қобилиятларни намоён қилиш.	Ўқитувчи - ўқувчи

Иқтисодий фанлар бўйича дарсликлар мазмунини таҳлил қилиш, уларни яратиш, мақсади ва ўқитишга нисбатан турлича ёндашувларни аниқлашга имкон берди. Иқтисодий фанларнинг таркибий тузилиши турли хил тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. “Иқтисодий билим асослари” фанини ўрганиш натижасида олинган билим ва кўникмалар асосида микроиқтисодий ва макроиқтисодий жиҳатларни чуқур тушуниш қурилади. “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш орқали иқтисодий компетентликни шакллантиришда авваламбор унинг мазмунини таҳлил қилиш зарур бўлган бўлиб, у мазкур фан бўйича кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган.

Иқтисодий фанларнинг ишлаб чиқилган циклини биз ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлиги шакллантириш

моделини мактаб тизимининг педагогик соҳаси таркибига кирувчи очик кўринишдаги тизим сифатида кўриб чиқамиз. Ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигини шаклланиш босқичлари қуйидагилардан иборат: мотивацияли (ўқувчиларни иқтисодий муаммоларга кириши); фаол фаолиятли (иқтисодий билимларни мустаҳкамлаш, кўникмаларни шакллантириш); рефлексив (иқтисодий билимларга қадриятли муносабат ва иқтисодий компетентликни баҳолаш бўйича кўникмаларни шакллантириш) (2.2.2-жадвал.).

2.2.2-жадвал

Мактаб ўқувчиларида иқтисодий компетентликни шакллантиришнинг босқичлари

Босқич	Таълим шакллари, усуллари ва воситалари	Иқтисодий компетенциянинг шаклланган компонентлари	Ўқувчи томонидан олинган билим, кўникма ва қобилиятлар
Мотивацияли	-билишга оид экскурсия, -танлов вазияти, -муаммоли семинар, -баҳс-мунозара, -суҳбатлар ва бошқ.	Шахснинг фундаментал хусусиятлари	Таълим мақсадларини аниқлаштириш, Касбий фаолиятида иқтисодий фанлар зарурлигини тушуниш; Фундаментал иқтисодий билимларни эгаллаш.
Когнитив-рефлексивли	муаммоли семинарлар, диалог (ON-Line тизимида), амалий топшириқлар: машқлар, тестлар, топишиқ в.х.	асосий компетенциялар	Қўшимча иқтисодий фанларни мустақил излаш ва мустаҳкамлаш; Олинган иқтисодий ахборотни таҳлил қилиш ва синтез (умумлаштириш).
фаол-фаолиятли	Ишчанлик ўйинлари, иқтисодий муаммоларни ижодий ҳал қилиш усуллари, -ўқувчилар илмий -конференциялари, диспутлар, ўқувчилар мустақил иши ва ҳоказо самостоятельная.	Амалий компетенциялар	Тизимлаштириш ва иқтисодий билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш қобилияти; иқтисодий билимлар шаклланганлиги баҳолаш, иқтисодий компетентлик, ижодий бошланмаларни акс этиши.

Таълим шакли: аудиторияда (амалий машғулот, семинарлар ва ҳоказо.) ва аудиториядан ташқари (бизнес тренинглар, экскурсиялар, ўқувчиларнинг мустақил иши).

Таълим усуллари: шахсий сифатларни ривожлантириш усуллари (семинар машғулот, мустақил иш), муаммоли-ривожлантирувчи усуллар (баҳс-мунозара, муаммоли вазият), амалий фаолиятни ташкил қилиш усуллари (амалий топшириқлар, иқтисодчилар, ҳисобчилар билан учрашув, фаол юритувчи корхоналарга экскурсиялар). Таълим воситалари: ахборот (видеофильмлар, электрон ташувчилар, On-Line тартибда семенерлар), таълим берувчи (ўқув қўлланма, ўқув услубий мажмуа, махсус курслар дастури), диагностик (тестлар, топшириқ карточкалар, мустақил иш учун ишчи дафтарлар). Шундай қилиб, технологик компонент кўрсатилган моделда қўйилган вазифаларга эришиш усули бўлиб хизмат қилади ва умуман уларни бажарилишини таъминлашнинг усул ва воситалари мажмуасини ўз ичига олади.

Натижали баҳолаш компоненти ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигининг шаклланганлик даражасини аниқлаш ва камчиликларни бартараф этиш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Ўқувчилар фаолияти натижаларини баҳолаш, ўлчов усуллари ўқувчиларга иқтисодий фанлар циклини ўрганишни бошлашдан аввал маълум қилинади. Ушбу компонент диагностика (иқтисодий билим, кўникма даражасини текшириш; ўқувчиларнинг машғулотлар пайтида юзага келадиган қийинчиликларни аниқлаш) ва тузатишга (етишмаётган иқтисодий билим ва кўникмаларни тиклаш ва аниқлаштириш) имкон беради.

Иқтисодий билим ва кўникмаларни баҳолаш бутун ўқув жараёнида амалга оширилади, шунингдек, иқтисодий фанлар циклининг ҳар бир курси охирида якуний текширув ўтказилади. Биз қуйидаги баҳолаш усулларида фойдаланамиз: терминологик диктант, тест синовлари,

блиц-сўровлар ва бошқалар. Баҳолаш анъанавий тарзда (қоникарсиз, қоникарли, яхши, аъло) амалга оширилади. Олинган ҳисоб-китобларни таҳлил қилгандан сўнг, иқтисодий билимлар, ўқувчиларнинг маҳоратидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тузатув чоралари кўрилади, қайта баҳолаш ва бошқалар.

Ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигини шакллантириш модели ўқувчиларнинг иқтисодий таълим кадриятларига асосланади ва ажралмас педагогик жараённи акс эттиради. Ушбу модел ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қаратилган ўзаро боғлиқ компонентлардан иборат.

Моделнинг интегративлиги унинг барча компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирида, иқтисодий компетенцияни шакллантиришнинг мақсадлари, мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари бирлаштиришда намоён бўлади.

Шундай қилиб, танланган ёндашувлар ва тамойилларга мувофиқ, иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш модели асосида биз мақсадли, услубий, мазмунли, технологик ва баҳоловчи компонентларни ўз ичига олган моделини тушунамиз.

Ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳалар методи, табақалашган ўқитиш, ўқувчи папкаси каби технологияларни танлашда юқоридаги шарт-шароитлардан ташқари, мавжуд таълим технологиялари: дарс, экскурсиялар, уй ишлари, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда ҳамда ҳозирги таълим мазмунини инкор қилмаган ҳолда, ишлаб чиқилган ДТС, ўқувчилар билимини назорат қилиш (рейтинг, тест) шаклларига мос келиши ҳам назарда тутилади. Ҳозирги ўқитишда ҳар бир таълим олувчининг фақат ўзи билимни ўзлаштиришдан манфаатдорлиги асосида унда шаклланивчи рақобат, димоғдорлик, қўполлик, манманлик авторитар хислатлардан халос бўлишга замин тайёрлайди. Бу эса ҳозирги таълим ислоҳотининг

талабларига ҳамоҳанг. Мазкур технологияларнинг таълимдаги асосий моҳияти таълим олувчи шахс камолоти, танқидий фикрлаши ҳамда ўзига хос индивидуаллигига асосланиши. Шу билан бирга ўқувчиларнинг анъанавий таълимдаги фақат тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни такрорлашга муқобил метод сифатида хизмат қилиши. Мазкур технологиялар методик жиҳатдан «ўзбек модели»нинг босқичма-босқич ривожланиш назариясига мос келиб, таълимни тадрижий тарзда мазмун-моҳияти билан замонавий таълим технологиялари асосида кўриш имкониятини беради.

Интерфаол усулларда муаммоли, ҳаётий вазиятлардан фойдаланиш жуда яхши натижалар беради. Баҳсли, муаммоли вазият-инсоннинг фаолияти давридаги фикрлаш натижасига боғлиқ бўлиб қоладиган мураккаб ҳолатга ёки шароитга тушиб қолишидир. Бундай ҳолатда у ҳодиса ёки жараёни қандай изоҳлашни билмайди. Баҳсли, муаммоли вазиятлар ўқувчи-ўқувчиларнинг ақлий кучини зўриқтиради, вазиятни ойдинлаштириш учун йўллар қидира бошлайди. Қийинчиликлар билан тўқнашади.

Одам муаммо билан юзма-юз (тўқнаш) келгандагина фикрлай бошлайди. Ўзида мавжуд билимлар билан фикрлаб амаллар бажара бошлаб, савиясига мос даражадаги хулосаларга кела бошлайди. Ўқувчилар ўзлари бажарган, топшириқларни қандай қилиб бажарганлигини айтиб, тушунтириб бера олишлари лозим. Қандай ўйлагани, фикрлагани ҳақида гапириб бера олишлари керак. Муаммони ҳал қилиш жараёнидаги тушунмай қолган ўринларини ўз сўзлари билан ифодалаб бера олиши, ўргатувчи учун жуда муҳимдир.

Ўқувчиларни маълумотлар билан фаол ишлашга ўргатувчи усулларни интерактив методлар дейилади [2-илова], [4-илова].

Амалий машғулотларни фаол усулда ўтказиш учун, вербал мулоқот шакллари. Ҳар қандай юқори савияда ўтказилган амалий машғулот, гарчанд у фактларга

бой бўлса ҳам, агар узоқ вақт давом этса, ўқувчиларнинг эшитиш қобилияти сусаяди ва чарчайди. Шунинг учун янги педагогик технология асосида ташкил этилган машғулотлар самарали бўлади.

Машғулот бир неча блокларга бўлади. Ҳар блокни 15-20 минут давом эттиради ва ҳар бир блокдан сўнг тўхтаб, савол-жавоб ўтказилади.

Машғулот давомида айрим муаммоларни ўртага ташлайди. Шу вақт оралиғида бу муаммога ўқувчиларнинг муносабатини аниқлайди, уларнинг фикрларини тинглайди. Ҳар бир фикр билдирувчига имконият яратади. Унинг фикри диққат билан тингланади. Аммо уни танқид остига олмай, бошқаларнинг фикрлари тингланади. Бу ҳолат машғулотга нисбатан бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартиради, машғулотга бефарқ қарамасликка сабаб бўлади. Ўқувчиларни суҳбатга тортиш 5 минут давом этади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқиш, интилиш, масъулияти ошиб боришни кузатиб боради. Машғулотни давом эттиради ва шу ҳол такрорланади. Шу давр ичида доимо фаол иштирок этувчилар, теран фикр билдирувчилар ўқитувчининг таянчига айланади.

Машғулот давомида мавзунини секин-аста ўқувчининг кундалик фаолиятига боғлаш бошланади, аста-секин уларга ҳам қисқа мунозаралар асосида жавоб топилади. Шу ҳолда кечган машғулотларда ўқувчилар вақт қандай ўтиб кетганини билмай қоладилар. Машғулотнинг яна давом этишини хоҳлаб, бефарқлик ўрнини хушёрлик, ички интилиш, ечим қидириш эгаллайди, ўзлари ҳам ечимни топишда шахсан иштирок этишга ҳисса қўшишга интиладилар.

Бундай машғулотлар ҳар икки томоннинг ўзаро фаоллигини оширади. Навбатдаги мунозараларга чорлайди. Ўқувчилар бундай машғулотда иштирок этар эканлар, қолган машғулотлар яна давом этишини устози билан яна қачон учрашишларини истаб қоладилар.

Новербал воситалар. Новербал воситалари мимика, қўл, гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлашдан иборат. Новербал воситалар жиддий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўрнини бошқа нарсаси боса олмайди. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати маълум маънога эга бўлиб, бу ҳаракатларни турли халқларда турлича тушунилади. Бу ҳаракатларни новербал нутқ деб номлаш қабул қилинган. Новербал нутқ инсоннинг у ёки бу мускуллари ҳаракати, шу жумладан, унинг фикрлаши ҳам ундаги маълум мускуллар ҳаракатидан иборат эканлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бир имо-ишора қилиб қўйишнинг таъсири гапиргандан кўра кучли бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Визуал воситалар. Визуал (кўргазмали) воситалар педагогик технология жараёнида ўқувчи-ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидаги ёзув ва бошқа тасвирлар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фото суратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвирлар, жониворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар киради.

Кўргазмали воситаларнинг педагогик технологияда қўлланилиши ўқувчи-ўқувчиларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради.

Аудио воситалар. Аудио воситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини беради.

Ҳозирда кўпроқ аудиовизуал воситалар, яъни бир вақтда эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видео тасвирлардан фойдаланилади.

Аслида эса амалиётда мавжуд шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ижодий ёндашув асосида мавжуд воситалардан мажмуавий фойдаланиш энг яхши самара бериши мумкин.

Табиий воситалар. Табиий воситаларга педагогик технология жараёнида ўрганиш кўзда тутилган мазмунга тегишли барча табиий нарсалар киради. Булар одам ва жониворлар, ўсимликлар ва табиат, асбоб-ускуналар, буюмлар, машиналар, механизмлар, иншоотлар ва шу кабилардан иборат.

Ўқувчи-ўқувчи ва ўқитувчи учун зарур ўқув анжомлари ҳамда мактаб жиҳозлари педагогик технологиянинг зарур воситалари ҳисобланади. Умуман педагогик технологиянинг сифати ва самарадорлиги ҳозирги кунда кўп жиҳатдан барча турдаги зарур воситаларнинг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Бу воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўқитувчининг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанлигига боғлиқ.

Интерфаол дарс ишланмасининг схемаси. Кичик гуруҳчаларда ишлаш:

1. Турли усуллар ёрдамида гуруҳ кичик гуруҳчаларга (4-5та) ажратилиб, ҳар бир кичик гуруҳ ўзининг бошлигини сайлайди.

2. Мавзу ва унинг мақсади, асосий муаммоси аниқ қўйилади.

3. Муаммо бўйича қуйидагича фикрлар бўрони ташкил этилади: а). Мустақил равишда дафтарга жавоблар рўйхати тузиш;

б). Ўзаро жуфтликда (ёнма-ён ўтирганлар) бир-бирининг тузган рўйхати билан танишиб, қўшимчалар киритиш;

в). Гуруҳчаларда рўйхатларни умумлаштириш, муҳокама этиш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, тоифалаш, умумий битта хулосага келиш.

4. Тузилган «Шода»га ўқитувчи томонидан қўшимчалар киритилади.

5. Ўқитувчи ёрдамида «шода» элементлари шарҳланади ва тоифаларга ажратилади.

6. Мустаҳкамлаш учун тадбир ўтказилиб ва уйга

вазифа берилади.

7. Хулоса [5-илова].

Дарҳақиқат, таълим технологияларини яхлитликда таълим жараёнига қўллаш инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини яратади. Улар психологик ва педагогик моҳияти билан инсонпарварлик тавсифига эга бўлган шахсга йўналтирилган технология. Ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳалар методи, табақали ўқитиш, «ўқувчи папкаси» мазмун-моҳияти жиҳатдан ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирини тақозо қилади ва ўз навбатида яхлит дидактик тизимни ташкил этади.

2.3-§. “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш

Таълим тизимда ўқитиш методлари билан бирга “восита” деган атамалар ҳам ишлатилади. Восита ўқитиш методларини амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари - электрон таълим ресурслари, ўқув, услубий қўлланмалар, тақдимот материаллар, тарқатма материаллар, модулли ўқитиш жараёнлари учун зарур бўлган техник жиҳозлар ва улардан фойдаланишдир.

Амалий машғулотларда ахборот-технологик тайёргарликни ривожлантириш “Microsoft PowerPoint тақдимот дастурининг инновацион муҳитида блиц, савол-жавоб” савол жавоб методи асосида ташкил этилди. “Microsoft PowerPoint тақдимот дастурининг инновацион муҳитида блиц, савол-жавоб” методининг Case study, Bascet, Budding каби методлар билан интеграциялашган ҳолда қўлланилади.

Дарс машғулотлари қуйидаги инновацион таълим методлари асосида ташкил этилганда, яхши самарадорликка эришилди.

1.Экскурция дарс- синфдан ташқари машғулоти бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари ёки фермер хўжаликларида иборат кластерли муҳитда ўтказилади.

Иқтисодий билим асослари фанидан экскурсияда танқидий фикрлаш технологиясидан фойдаланиб **иқтисодий-ҳуқуқий компетенцияси** шакллантирилади. Экскурсиялар одатда синфдан ташқари машғулоти бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари ёки фермер хўжаликларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Танқидий фикрлаш технологияси – танқидий тафаккурни ўргатиш муаммоларни муҳокама қилиш, баҳолаш, аниқлаш ва ҳал қилишни ўргатадиган таълим технологиясидир (Дж.Стил, К.С.Мередит, Ч.Темпл, С.Уолтер).

“Иқтисодий билим асослари” фанидан тўғрақ машғулотларида эвристик таълим технологияларидан фойдаланиб ўқувчиларнинг **маркетинг-тадбиркорлик компетенциясини** шакллантириш амалга оширилади.

Эвристик таълим - бу ўқувчи томонидан таълимнинг ўз шахсий мазмуни, мақсадлари ва тузилишини, шунингдек уни ташкил этиш, диагностика ва тушуниш жараёнини тайёрлашни ўрганишини мақсад қилиб олувчи таълим ҳисобланади (А.В.Хуторский).

2. Комбинацион дарс – замонавий таълим кластери шароитида назарий, амалий, тўғрақ каби таълим шакллариининг барчасини бирдек лойиҳалаш технологиясидан фойдаланиб олиб борилади.

Иқтисодий билим асослари фанидан комбинацион дарсда **лойиҳалаш методини** қўллаш орқали ўқувчиларнинг **ахборот-таҳлилий компетенциясини** шакллантириш амалга оширилади.

Лойиҳалаш методи – ўқувчиларни босқичма-босқич мураккаблашиб борадиган иқтисодий масалаларни ишлаб чиқиш, режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган таълим тизимидир (М.С.Султанова)

Метод ўқувчилар томонидан индивидуал, гуруҳ ёки жамоа тарзида аниқ белгиланган вақт оралигида ўрганилаётган мавзу бўйича ахборотларни йиғиш ва

тадқиқ қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Машғулотларда методдан фойдаланиш ўқувчиларда режалаштириш, қарор қабул қилиш, фаолиятни амалга ошириш, маълумотларни қайта текшириш, мавжуд маълумотларга таянган ҳолда хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради. Методни қўллашда ўқувчилар мавзу бўйича янги лойиҳаларни ярата олишлари лозим. Лойиҳаларни яратишда таклиф этилган жараённинг моҳияти қисқа, аниқ фикр, белги, тасвирлар ёрдамида ифодаланиши талаб этилади.

Методнинг дидактик имкониятлари қуйидагилар билан белгиланади: ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради, ривожлантиради; ўқувчиларда мавзуларни мустақил ўрганиш эҳтиёжини қарор топтиради; ўқувчиларда ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

3. **Дарс-конференция** – замонавий интернет технологиялари имкониятларидан фойдаланиб замонавий таълим кластери шароитида конференция, ижтимоий тармоқлар (telegram, instagram, facebook) орқали дифференциал таълим технологиясидан фойдаланиб дарс олиб борилади.

Иқтисодий билим асослари фанидан конференцион дарсда дифференциал таълим технологиясини қўллаш орқали ўқувчиларнинг **ахборот-таҳлилий компетенциясини** шакллантириш амалга оширилади.

Дифференциялланган таълим – турли қобилиятга эга ўқувчиларни бир гуруҳида ўқитиш технологияси бўлиб, натижада барча ўқувчиларнинг потенциал имкониятлари даражасида ўқув жараёнига жалб этилишини ҳамда уларнинг ахборотли-таҳлилий компетенцияси шаклланишини таъминлайди (В.А.Дегретев).

Case study (аниқ вазиятлар усули) ҳисобланади. Бу усул ахборот-технологик тайёргарликни ривожлантириш учун жуда самарали бўлиб, фақат реал ҳодисаларнинг

тавсифи эмас, балки муайян вазифаларни, турли хил ишбилармонлик ҳолатларини ҳал қилиш учун қурилган, турли кўникмалар ва хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқиш учун мўлжалланган ахборот тузилмасидир. Бу технологиянинг моҳияти шундан иборатки, ўқув материали таълим олувчиларга микро-муаммо шаклида тақдим этилади ва уларнинг ечимларни ишлаб чиқишдаги фаол билиш ва ижодий фаолиятлари натижасида билим олинади.

Bascet (сават) - амалий фаолиятда тез-тез учрайдиган симуляция вазиятларига асосланган баҳолаш ва таълим бериш методи. Мазкур метод энг муҳим омилларни таҳлил қилиш, таснифлаш, танлаш ва уларни аҳамияти ва долзарблигини ҳисобга олган ҳолда тизимлаштириш, муаммоларни ҳал қилиш йўллари шакллантириш қобилиятини баҳолайди ва ривожлантиради. Маълум бир вазиятларда bascet методи case-test тузилишига яқинлашади. Иқтисодий фаолиятга оид ҳужжатлар таҳлили турли муаммолар моҳиятини қамраб олиши билан нафақат қобилият ва кўникмаларни ривожланади, балки бир вақтнинг ўзида бир неча муҳим ва зудлик билан тартиблаштириш, кўрсатмалар бериш ва тўғри қарорлар қабул қилиниши лозимлиги лойиҳаси. Bascet методидан фойдаланган ҳолда ҳужжатларни таҳлил қилиш одатда иккита чеклов асосида амалга оширилади: иш ёлғиз бажарилади (ҳужжатларни таҳлил қилиш усулида ўқитиш гуруҳларда амалга оширилиши мумкин), ва уни амалга ошириш вақтининг чекланганлигидир.

Методнинг ўзига хослиги шундаки, ўқувчилар бир вақтнинг ўзида тизимлашган ёки тартибсиз тузилган ҳужжатларнинг бутун ҳажмини олади ва қарор қабул қилиш учун зарур маълумотларни тўплаш учун бошқалар билан мулоқот қилишга мажбур бўлади.

Budding методи - бир-бирини ахборот билан таъминлаш ёки объектив ва ишончли (сохта бўлмаган) тесқари алоқа ўрнатишга асосланган таълим усули

ҳисобланади. Бу методда қайтар алоқани йўлга қўйишда олдин ўқувчиларни ҳолисона мулоҳаза юритишга, ҳулоса чиқаришга ва маълумотларни тўғри асосли беришга рағбатлантириш лозим. Шунини таъкидлаш керакки, бу метод доимий мониторинг олиб боришни талаб қилади. Buddying устоз-шогирдликдан ажралиб туради, унинг иштирокчилари мутлақо тенг бўлиб, ушбу методда “таълим берувчи” ва “таълим олувчи”, “устоз” ва “шогирд”, “тренер” ва “иштирокчи” тоифалари йўқ. Методнинг моҳияти шундаки, бунда таълим олувчига тингловчилардан ҳамкор тайинланади. Мазкур методнинг вазифаси ҳамкорнинг ўз натижалари ва мақсадларига эришиши учун бошқасига ёрдам бериши, маълум даражада ҳимоя қилишдир. “Dunning-Kruger эффекти” - компетентлик иллюзиясига кўра юқори малакага эга бўлмаган ўқувчиларнинг ўз малакасизлигини тан олишларида мазкур метод самарали ҳисобланади.

Биз юқорида педагогик жараёнларнинг амал қилиниши шарт бўлган уч турдаги методологик асоси ҳақида қисқача тўхталдик. Ўқув жараёнида ҳар бир ўқитувчи (педагог, тьютор), ушбу уч методик асоснинг барчасига бирдай амал қилиши шарт. Шундагина улар кутилган натижани бериши мумкин. Юқоридаги ҳар бир методика учун умумий хусусиятга эга бўлган ўзига хос томонларини ўзаро боғлиқликда таҳлил қиламиз. Бунда интерфаол усуллардан бири - “Мусобақа-беллашув” методини бошқа услублар билан боғлаб машғулотларни ташкил этишнинг назарий ва амалий аҳамиятини мисоллар орқали ифодалаймиз.

“Мусобақа-беллашув” усули ёрдамида дарсларни ташкил этиш кўп йиллардан бери таълимда кенг қўлланилиб келинади. Бу усул ўқувчиларнинг қизиқишини ва фаоллигини оширади, унга тайёргарлик кўриш учун ўқувчилар олдиндан огоҳлантирилади ва мавзу эълон қилинади. Ўқувчилар гуруҳи икки кичик гуруҳчаларга бўлинади, уларнинг ҳар бири мавзу бўйича саволлар

тайёрлаб келиши лозим. Семинар бошида ўқувчилар мусобақа шартлари билан таништирилади. Бунда фақат жавоблар учун эмас, балки саволларни тўғри ва аниқлиги учун, қўшимча ва тузатишлар учун ҳам маълум баллар белгиланади.

Гуруҳ ўқувчиларининг барчаси фаол қатнашишлари учун эса минус баллар ҳам кўрсатилиши мумкин, масалан, -3 дан +3 гача нотўғри жавоблар ва саволлар учун балларни айириш усули ишлатилиши мумкин. Мусобақа давомида тўпланган баллар ёзиб борилиши ёки “саватчага” йиғилиши мумкин. Семинар охирида ғолиб гуруҳ қатнашчилари қўшимча баллар билан рағбатланиши мумкин. Педагог (тьютор) таълим жараёнини хушёр ва синчковлик билан кузатиб жавобларни эшитиши ҳамда ҳар бир ўқувчига баҳо қўйиб бориши лозим. Бу усул билимларни янада мустаҳкамроқ эгалланишига, нутқ маданиятини ошишига, саволларни тўғри тузилишига, ўз фикрини баён этишга ўргатади. Энг муҳими эса, ўқувчиларда мустақил билимларни эгаллаш, янгиликларни қидириш, мавзуга ижодий ёндашиш хусусиятлари ошади. Ўрганилаётган мавзу ҳар томонлама таҳлил этилади ва ҳаётий жараёнлар билан боғланади. Мазкур методикани қўллаш жараёнида педагогдан ўқувчиларни мақсад сари тўғри йўналтириш талаб этилади. Бунда тьютор ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали усул “Ақлий ҳужум” методидир.

Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга ўқувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради, ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга ўқувчилар ўз жавобларини қогоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар, жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки “пинборд” доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади.

“Ақлий хужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. “Ақлий хужум” методидан фойдаланилганда, ўқувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан ўқувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Ўқувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги ўқувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий хужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва хужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади. “Ақлий хужум” методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Ўқувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзунини такрорлаш ёки бир мавзунини кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўқитилган мавзунини мустақамлаш мақсад қилиб қўйилганда – мавзудан сўнг, дарснинг мустақамлаш қисмида амалга оширилади. «Ақлий хужум» методи қўлланилганда қуйидаги босқичлар, узвий боғланган

ҳолда – кетма-кетликда амалга оширилади. Яъни, «Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси

1. Ўқувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришлари сўралади;

2. Ўқувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

3. Ўқувчиларнинг фикр-ғоялари (аудио ва видео кўрнишида ёзиб олиш, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади. Машғулотлар давомида ўқувчилар билан ишлашда ўзига хос қулайлик ва авфзалликларга эга. Жумладан, “Ақлий хужум” методини қўллаш жараёнида натижалар баҳоланмаслиги ўқувчиларнинг турли фикр-ғояларни эркин баён этишига олиб келади ҳамда ўқувчиларнинг барчаси иштирок этади. Шунингдек, ўқувчиларнинг фикр ва ғоялар визуаллаштирилиб, бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд бўлади ва ўқувчиларда мавзуга бўлган қизиқишларни шакллантириш уйғотиш мумкин.

“Ақлий хужум” методини қўллашнинг афзалликлари билан бирга камчиликлари ҳам мавжуд. Чунончи, ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўйилмаслик ҳолати, баҳолаш меъзонларининг йўқлиги ва ўқувчилар фикрини юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин. Таълимни ташкил этишдаги кейинги усул олдинги методлар билан бирга яъни, бир-бирини тўлдирувчи сифатида умумий методологияни ташкил этади, ҳамда ўқувчилар тушуниш, билим ва кўникмаларни ўзида шакллантиради. Айниқса инновацион технологияга оид дидактик ўйинларни ташкил этиш, ўқитиш самарадорлигини оширади. Педагогика фанида дидактик ўйинларни концепцияси ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган, шунинг учун ҳам унга турли хил таърифлар

беради. Бу ҳол дидактик ўйинларни ишлаб чиқиш ва оммалаштириш ишини қийинлаштиради. Лекин шунга қарамасдан ҳозир ўқув жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиш оммалашиб бормоқда ва уни бошқариш мураккаблашмоқда. Чунки бу метод ўзининг кўпгина ижобий томонларига эга ва бир вақтнинг ўзида бир неча иш бажарилади: -эгалланган билимларни текшириш; -янги билимларни эгаллаш ва амалиётда текшириб кўриш; - кўникма, малака ҳосил қилиш.

Инновацион технологияга оид дидактик ўйинлар ҳаётий воқеийликка энг яқин келувчи метод бўлиб ҳисобланади ва у кўпроқ амалий аҳамиятга эгадир. Дидактик ўйинларни мактабларда ташкил этиш ва қўллашда қуйидаги психологик ва педагогик принципларга амал қилган ҳолда йўлга қўйиш лозим: -ишлаб чиқаришдаги реал вазият моделини кўчириш ва ишлаб чиқариш динамикасини ҳисобга олиш; -ишлаб чиқариш жараёнини ривожланиш, доимий ўзгариш характерига эга эканлигини яхши биламиз. Ана шу ўзгарувчанлик ва динамик ривожланишиш ишбилармон ўйинларни ташкил этиш жараёнида албатта ҳисобга олиниши талаб этилади.

Кластер методи. (Кластер-тўп, тўплам, боғлам)-марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар "йўлдошлар" ёзиб қўшилади. Уларни "Асосий" сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштиради. Бу "Йўлдошларда", "Кичик йўлдошлар" бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича

давом этиши мумкин. Охирги босқичда муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

Ўқувчиларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантирувчи технологияни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Педагог – ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга ўтилаётган мавзунинг содда тушунарли қилиб, турли хил ўқитиш воситалари ва усуллари билан самарали фойдаланган ҳолда ўқитишни ташкил этиш талаб этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфида ўқитиладиган "Иқтисодий билимлар асослари" фанининг ўқувчилар учун яратадиган имкониятлари қуйидагилардан иборат.

Ушбу мазмуний йўналишнинг ўқув материалларини ўқитиш ўқувчиларга қуйидаги имкониятларни беради:

- эҳтиёжларнинг турларини, уларнинг чексизлигини ва уларни қондиришга зарур бўлган ресурсларга номуносибилини англаш;

- иқтисодиётнинг асосий муаммоси маъносини тушуниб етиш ва бу муаммони ечишнинг "Иқтисодий билим асослари" фани олдида турган бош масала эканлигини тушуниш;

- ишлаб чиқаришнинг зарурлигини англаш; ишлаб чиқариш омилларини ва уларнинг вазифаларини фарқлай билиш;

- натурал хўжаликдаги муносабатларнинг асосий камчиликларнинг айирбошлашни зарур қилиб қўйганлигини тушуниб етиш;

- товар хўжалиги ва айирбошлашнинг ихтисослашув ва меҳнат тақсими натижасида вужудга келганлигини идрок қилиш;

- пулнинг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихини мантиқан таҳлил қилиб пулнинг моҳиятини ва унинг муҳимлигини хулосалаш;

- пулнинг вазифалари ва аҳамиятини ажрата олиш;

- пулнинг айланиши, пул эмиссияси, инфляция, гиперинфляция тушунчаларининг моҳиятларини тушуниш;

- иқтисодий кўрсаткичлар: даромад, чиқим, фойда, зарар, рентабелликлар орқали иқтисодий фаолиятни таҳлил қилишни ўрганиш;

- харажатларни камайтириб, даромадни кўпайтирган ҳолда яхши иқтисодий натижаларга эришишга ўрганиш;

- уй-рўзгор, оила хўжалигини юритиш кўникмаларини шакллантириш;

- талаб ва таклиф тушунчаларини ўзлаштириб, бу тушунчаларнинг бозордаги аҳамияти ва ўрнини англаб бериш;

- талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатини ва уларнинг нарх билан ўзаро муносабатларини топа билиш;

- нархнинг бозор қитисодиёти шароитидаги белгиланиш тамойиллари билан танишиш ва уларнинг режали иқтисодиётдаги нарх ўрнатилиши тамойилларидан фарқларини англаш;

- тарихдаги иқтисодиёт тизимлар, айниқса режали иқтисодиёт камчиликларини таҳлил қила билиш;

- мулк ва мулкый муносабатларнинг иқтисодиётдаги ролини, мулкнинг шакллари, мулкдорнинг иқтисодий фаолиятидаги афзалликларни тасаввур қилиш;

- оилавий мулк ва бу мулкдан фойдаланишда иқтисодий ёндашиш кўникмаларини ҳосил қилиш; - хусусийлаштириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти эканлигини, Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнининг боришини тавсифлай олиш;

- рақобатнинг бозор иқтисодиётида марказий ўрин тутишини ва эркин рақобатга йўл очиш-иқтисодий тараққиётга йўл очиш эканлигини тушуниб етиш;

- бозорнинг монополлашиш нуқтаи назаридан турларини фарқлай билиш;

- давлатнинг эркин рақобатнинг ҳимоячиси эканлиги сабабларини тушунтира билиш;

2.3.1-жадвал

“Иқтисодий билим асослари” фанидан “Меҳнат тақсимооти ва ихтисослашув” мавзуси бўйича дарс ишланмаси.

(Дарснинг технологик харитаси).

5 –мавзу	Меҳнат тақсимооти ва ихтисослашув.(8- синф)
Мақсад, вазифалар	Мақсад: а)таълимий: Меҳнат тақсимооти ва ихтисослашув тўғрисида тушунча бериш; б) тарбиявий: ўқувчиларнинг “Иқтисодий билим асослари” фани орқали ҳаётни тўғри тасаввур эта олиш малакасини ўстириш, хунарга меҳр кўзи билан қарашга ўргатиш, халқ оғзакиижодидан фойдаланиш орқалитаълим-тарбия бериш. с) ривожлантирувчи: Дарс жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, оғзаки ва ёзма фикрлашини ривожлантириш, мавзу асосида билим ва кўникмаларини шакллантириш, мавзуга оид тарқатилган материалларни ўқувчилар гуруҳ ҳолида ўзлаштириб олишлари ва суҳбат-мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларнинг билиминини баҳолаш.
Ўқув жараёнининг мазмуни	Дарс жараёнида фаоллаштирувчи савол ва топшириқлардан фойдаланилади, меҳнат унумдорлиги, унга таъсир этувчи омиллар, маҳсулдорлик, технология, меҳнат тақсимоотининг салбий ва ижобий томонлари, ихтисослашув тушунчалари ёритилади.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Дарс тури: Янги материални ўрганувчи дарс. Метод: ақлий ҳужум Восита: тарқатма материаллар: матн ва расмлар, доска, тест карточкалари Назорат: оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш Баҳолаш: рағбатлантириш, 5 балли тизимда
Кутиладиган натижалар	Мавзунини қисқа вақт ичида барча ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига эришилади. Ўқувчи фаоллиги ошади, дарсга қисбатан қизиқиши уйғонади, барча ўқувчилар баҳоланади, ўқувчи томонидан ёзма ахборотни мустақил ўрганиш, уни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва жавоб беришга ўрганади

Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тadbик этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётӣ воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. Ўқувчи: Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Ўз фикрини раvон баён қила олади, шу мавзу асосида қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади. Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини оширади.
---	--

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш борасида билдирилган умумий фикрларга таянган ҳолда мазкур жараённинг моделини ишлаб чиқиш имконияти юзага келади. Тадқиқотни олиб бориш чоғида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган жараённинг қуйидаги модели яратилди.

Тажриба-синов ишларни олиб бориш даврида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди. Бу жараёнда уларнинг қуйидаги ҳолатларидаги иштироклари инобатга олинди: меҳнат муносабатлари, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги иштироклари; мулк солиқларини тўлашга онгли ёндашишлари; транспорт, маиший, маданий ва коммунал хизматлардан тўғри фойдаланишлари; истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари; хонадон (оила) хўжалигини йўлга қўйиш ва бошқариш малакаларига эғаликлари; мулкӣ муносабатларни ташкил этишда иқтисодий масалаларни оқилона ҳал қилиш қобилиятининг ривожланганлиги; тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш лаёқатига эғаликлари.

Мамлакатимиз таълим тизимининг ҳозирги

тараққиёти босқичи, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг миллий ва тарихий, мафкуравий шарт-шароитларига жавоб бериши, таълимнинг анъанавий моделлари умумий ўрта таълим мактабларида, ўрта махсус, касб-хунар коллежларида дарслар тизими, олий таълим муассасаларида маъруза, семинар каби таълим методлари ҳукмрон бўлган вақтда шу даврга мос келувчи технологияларни қўллаш ижобий натижа бериши шубҳасиз.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизими, чунончи, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатларда кенг қўлланилиб келинаётган “ҳамкорликда ўқитиш”, “лойиҳалар методи”, “табақалашган ўқитиш”, “ўқитувчи папкаси”, “ўқитишга индивидуал ва табақали ёндашиш” каби технологиялардан фойдаланишни лозим деб ҳисоблаймиз. Буларни ўз иш тажрибасида қўллашда ихтиёрийлик принциpidан келиб чиқиш билан бирга бирданига сакраб ўтиш маъмурий мажбур қилишдан сақланиш лозим. Бунда маъмурий аралашуш фақат уларни қўллаш учун ташкилий-педагогик, моддий база яратиш, ўқув жараёни ва ўқув хоналарини жиҳозлаш жиҳатидан бўлиши мумкин. Уларнинг қайси бирини танлашда педагог ўз имкониятидан келиб чиқиши зарур.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён ташкилий-методик жиҳатдан тўғри, самарали йўлга қўйилиши ҳамда устувор тамойилларнинг танланишига боғлиқдир. Ушбу ёндашувлар ва тамойиллар асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг дидактик модели ишлаб чиқилди. “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикаси муаммоли топшириқлар, ўқув лойиҳалари, амалий ва дидактик ўйинларга устуворлик бериш орқали ўқувчиларда иқтисодий билим ва

кўникмаларни ривожлантириш замонавий методлар асосида такомиллаштирилди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ушбу бобда фанни тадқиқ этишнинг методологик тузилишини ишлаб чиқдик.

1. Таълим жараёнида “Иқтисодий билим асослари”нинг методологик ўзига хослиги ўрганилди. Фаннинг тақвим – мавзу режалари ҳамда технологик хариталари ўрганилди.

2. “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди.

3. Иқтисодий билим асослари фанини жорий этишнинг илмий – услубий муаммолари кўриб чиқилди. Фанни ривожлаштириш шарт – шароитлари ҳамда талаблари кўриб чиқилди.

4. Ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён ташкилий-методик жиҳатдан тўғри, самарали йўлга қўйилиши ҳамда устувор тамойилларнинг танланишига боғлиқдир. Ушбу ёндашувлар ва тамойиллар асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг дидактик модели ишлаб чиқилди. “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикаси муаммоли топшириқлар, ўқув лойиҳалари, амалий ва дидактик ўйинларга устуворлик бериш орқали ўқувчиларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш замонавий методлар асосида такомиллаштирилди.

ХУЛОСАЛАР

Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бизга тадқиқотнинг назарий ва амалий муаммоларини ечишга ҳамда улар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга имкон берди:

1. Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда ўқувчиларнинг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланди.

2. Ўқувчиларнинг иқтисодий кўникмаларини ривожлантиришга мўлжалланган, уларда иқтисодий муносабатларга киришишнинг назарияси ва амалиёти бирлигини илмий-методик жиҳатдан таъминлашга оид методик тавсияларни ўз ичига олган “Иқтисодий билим асослари” номли электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқилди ва таълим жараёнига жорий этилди. Мазкур услубий-дидактик таъминот таълим сифатини ошириш ва ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш имконини берди.

3. Дарс машғулотлари қуйидаги экскурсион дарс, комбинацион дарс, конференция дарс – каби инновацион таълим методлари асосида ташкил этилганда, яхши самарадорликка эришилди. “Иқтисодий билим асослари” фанидан экскурсияда танқидий фикрлаш технологиясидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг иқтисодий-ҳуқуқий компетенцияси, тўғарак машғулотларида эвристик таълим технологияларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг маркетинг-тадбиркорлик компетенцияси, комбинацион дарсда лойиҳалаш методини қўллаш орқали ўқувчиларнинг ахборот-таҳлилий компетенцияси шакллантирилди.

4. Дастурлаштириш имкониятларидан фойдаланиб, “Иқтисодий билим асослари” фанидан “Economy dictionary” номли изоҳли луғат мобил иловаси ишлаб

чиқилди ва дарс жараёнларида фойдаланилди. Ишлаб чиқилган мобил иловадан таълим жараёнида фойдаланиш ўқувчиларнинг иқтисодий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилди.

ТАВСИЯЛАР:

1. Ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришда иқтисодиёт фанлари ўқув курслари дастурларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар янги авлодини яратиш орқали ахборот-дидактик таъминотни такомиллаштириш;

2. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, унда фанлараро алоқадорлик ҳамда таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида интеграцияни акс эттиришга эришиш лозим.

3. "Иқтисодий билим асослари" фани бўйича ташкил этиладиган дарсларнинг интерфаоллик характерида бўлишига эришиш, бунда асосий эътиборни умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш масалаларини ривожлантиришга қаратиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни 2020 йил 23 сентябрдаги 637-сонли. <https://lex.uz/docs/5013007>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2021. –Б. 465.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14-августдаги "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3907-сонли қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5-сентябрдаги "Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5538-сонли фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПФ-6108-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-ноябрдаги "Таълим-тарбия тизимини янада

такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4884-сонли Қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5313 сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3523206>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПҚ-5847-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4545884>

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сонли “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1026-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3481190>

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/4945840>

15. Авазбоев А.И. Талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари // Замонавий таълим. 2018. №8. –Б. 21.

16. Акбаров Б. Кластер тизими умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг асосий омили сифатида // Халқ таълими. 2019. № 4. –Б. 106..

17. Артикова М.Б. Умумтаълим мактаби ва

оида ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш // п.ф.д. (DSc) дис. автореф. ... -Наманган. 2020.-63 б.

18. Бобоқулов С. Ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни шакллантириш методикаси // п.ф.н. дис... -Т., 2007.-83б.

19. Болотов В.А., Сериков, В.В. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе // Педагогика. - 2003. -№10.-С. 8-14.

20. Варакина Е.А. К вопросу о структуре экономической компетентности руководителя образовательного учреждения // Вестник Костром, гос. универ. им. Некрасова. - 2008. - №3. - С. 15-20.

21. Зеер Э.Ф. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования // Высш. обр. в Рос. - 2005. -№4. - С. 23-30.

22. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент, 2006. – 73 б.

23. Кадиров Х.Ш. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш технологияси // п.ф.д. (DSc) дис.автореф. ...Т.-2020.-80 б.

24. Карабаева Н. С. Методические материалы к семинару по проблемам формирования базовых компетенций цикла гуманитарных и социально-экономических дисциплин ГОС ВПО/. - М.: Изд-во ПУДН, 2005.-52 с.

25. Каримова Н.Н. Бўлажак касб-таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш // п.ф.д. (PhD) дис. авто. –Т. -2018.-50 б.

26. Каширина Т.Л. Игровые мультимедиа технологии как средство повышения мотивации к обучению студентов СПО // Инновационное развитие системы образования в Российской Федерации. - Москва; Издательский дом Паганель, 2011. - С. 237-239.

27. Кривых С.В. Кластерный подход в профессиональном образовании. // Академия

профессионального образования, 2014, №3-4. –С. 7-13.

28. Кузнецова П.У. Информационные технологии в юридической деятельности: учебник для бакалавров / под общ. ред. - 2-е изд., перераб. и доп. -М. : Издательство Юрайт, 2015. - 441 с.

29. Мухамедов Ғ.И, Хўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери / монография -Т.: Университет, 2020. 280 б.;

30. Мухамедов Ғ.И. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа // “Халқ сўзи” 15 февраль 2019 йил. <http://xs.uz/uzkr/post>.

31. Мухаметзянова Г.В., Пугачева Н.Б. Кластерный подход к управлению профессиональным образованием. Казань: 2007, - 144 с.

32. Набиев Ғ.А. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш технологиялари (“Иқтисодий билим асослари” фани мисолида) // п.ф.д. (PhD) дис. авто. –Наманган. -2021.-51 б.

33. Осечкина Л.И. Кластерный подход как условие повышения эффективности деятельности вуза. // Высшее образование в России, 2012, № 8-9. –С. 75.

34. Педагогик атамалар луғати / Тузувчилар: Р.Х.Джураев, Ў.Қ.Толипов, Р.Ғ.Сафарова ва бошқ.- Т.: “Фан” нашриёти, 2008, Б.104.

35. Тоштемирова С.А. Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. Тошкент. 2019, № 11.- Б.362.

36. Хаматнурова Е.Н. Становление экономической компетентности будущего педагога профессионального обучения // авто.дисс...к.п.н. –Омск.2007.-24с.

37. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси (техника олий таълим муассасаларининг “Касб таълими” йўналишлари

мисолида). Дисс...пед.фан.док.-Тошкент.-2018.-230 б.

38. Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари // педагогика фанлари доктори дисс.. – Чирчиқ, 2020. - 270 б.

39. Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим кластери илмий-педагогик муаммо сифатида // Замонавий таълим. –Т.: 2019, № 10 (83). –Б. 10-15.

40. Циголева Т.Н. Экономическая теория. Екатеринбург, 2003.

41. Чепурин М.Н. Курс экономической теории: учеб. для вуз. - Киров. - 1999. - 370 с.

42. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), - P. 8104-8111.

43. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980. P. 454.

44. Usarov. J. Using Teaching Methods for Development Student Competencies // International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 2019. 15(1), -P. 272-274.

45. Khodjamkulov, U., Botirova, Sh., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters. Journal of Critical Reviews, 7(12), - P. 243-247.

46. Weiss A. The Modern Leader's Role // Innovative Leader. 1998. Vol. 7. No. 11.

ИЛОВАЛАР

1-илова

«ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР АСОСЛАРИ» ПРЕДМЕТИНИ ЎҚИШ НАТИЖАСИДА ЎҚУВЧИ ЎЗЛАШТИРИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ТУШУНЧАЛАР 8-СИНФ

I. ЭХТИЁЖЛАР, РЕСУРСЛАР.

1. Эҳтиёжлар ва уларнинг чексизлиги.
2. Ресурслар ва уларнинг чекланганлиги.
3. Иқтисодиётнинг асосий муаммоси.
4. Танлов зарурияти.
5. Муқобил қиймат.

II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ. ИХТИСОСЛАШУВ.

1. Ишлаб чиқариш.
2. Ишлаб чиқариш омиллари.
3. Унумдорлик.
4. Меҳнат тақсимооти.
5. Технология тараққиёти.
6. Ўзбекистонда янги технологиялар.

III. АЙИРБОШЛАШ, ПУЛ.

1. Натурал хўжалик.
2. Айирбошлаш.
3. Товар тушунчаси.
4. Қадимда пул.
5. Танга ва қоғъоз пуллар. Пулнинг бошқа турлари.
6. Пулнинг вазифалари.
7. Товар-пул алмашуви.

IV. ДАРОМАД, ЧИҚИМ, ФОЙДА.

1. Чиқим нимадан иборат?
2. Даромад нима?
3. Фойда ва зарар.
4. Даромадни қандай тасимлаш керак?
5. Фойдани керакли жойга ишлатиш
6. Оила даромадлари ва чиқимлари. Оила бюджети.

V. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР

1. Тарихга бир назар.
2. Режали иқтисодиёт муаммолари.

3. Бозор иқтисодиёти.

4. Ҳозирги ўтиш даврининг мўияти.

5. Ўзбекистондаги ўтиш даврининг ўзгачалиги.

6. Ўзбекистон Республикасининг бозор
иқтисодиётига ўтишининг беш тамойили.

VI. МУЛК

1. Мулк объекти ва мулк субъекти.
2. Мулк шакллари . Оила мулки.
3. Мулкнинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни.
4. Ҳозирги Мулк тушунчаси.
5. Мулкнинг пайдо бўлиши тарихи.
6. Замондаги мулк муносабатларидаги ўзгаришлар.
7. Хусусийлаштириш. Ўзбекистонда
хусусийлаштириш жараёни.

VII. БОЗОР

1. Олди-сотди муносабатлари.
2. Бозор шароитида товар-пул муносабатлари.
3. Нархлар
4. Нархнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар.
5. Бозорнинг турлари.

VIII. ТАКЛИФ ВА ТАЛАБ

1. Таклиф нима?
2. Талаб нима?
3. Таклиф қонуни.
4. Талаб қонуни.
5. Талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатлари.
6. Мувозанат нарх ва мувозанат миқдор.
7. Тўйинган ва тақчил бозор.

IX. РАҚОБАТ

1. Рақобат нима?
2. Кимлар ўзаро рақобат қиладилар
3. Рақобатнинг бозордаги ўрни.
4. Рақобатни чеклашга ҳаракат. Монополия.
5. Бозорнинг монополлашганлик даражасига қараб
турланиши.
6. Давлат-бозор муносабатлари ҳимоячиси.

7. Ўзбекистонда антимонопол қонунчилиқ.

Х. ЭКОЛОГИЯ

1. Экология тушунчаси.
2. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши.
3. Атроф-муҳит ифлосланишини назорат қилиш.
4. Чиқиндисиз технологиялар.
5. Давлат-табиат ҳимоячиси.
6. Ўзбекистонда экологик муаммолар. Орол денгизи.
7. Ўзбекистонда Мустақиллик йилларида экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлари.

2-илова

БУМЕРАНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЎТКАЗИШ

БОСҚИЧЛАРИ

1 – БОСҚИЧ

- Тренинг тингловчилари 4–5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади;

- ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда сақлаб қолиш учун алоҳида-алоҳида аниқ ёзма тарқатма материал беради. Уларнинг сони гуруҳлар ва тингловчилар сонига боғлиқ. Агар 4 та кичик гуруҳ бўлса, у ҳолда умумий мавзу 4 та кичик матнларга бўлиниб ҳар бир гуруҳга берилади;

- фаолият самарали бўлиши учун ҳар бир гуруҳга берилган текстдан ҳар бир тингловчига берилади. Шундай қилиб, 4 та гуруҳ умумий мавзу асосида 4 хил матнга, ҳар бир тингловчи эса ўз гуруҳига тушган матнга эга бўлади.

2 – БОСҚИЧ

- гуруҳларга берилган матнни гуруҳ аъзолари якка тартибда алоҳида ўрганишлари, текстни эслаб қолишлари, кейин эса керак бўлса бошқаларга ёки ўқитувчига гапириб беришлари, иложи борича текстни ўзлаштириб олишлари кераклигини ўқитувчи уқтиради ва тайёргарлик учун матнни катта ёки кичиклигига қараб 10-15 дақиқача вақт беради. Ўзи эса гуруҳ ва тингловчиларнинг иш фаолиятини

кузатади.

3- БОСҚИЧ

-ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган кичик қоғозлар билан ҳар бир гуруҳ ёнига келиб гуруҳ аъзоларидан ушбу қоғозлардан биттадан рақам тартиб олишларини сўрайди (қоғозлар сони гуруҳдаги тингловчилар сонига боғлиқ, масалан гуруҳда 5 киши бўлса, қоғоздаги рақамлар 1,2,3,4,5, этиб тайёрланади, агар 4та бўлса 1дан 4гача ва ҳоказо.). Кичик гуруҳлардаги барча тингловчилар рақамлар ёзилган қоғоздан олишлари керак. Нечта гуруҳ бўлса, шунча гуруҳ аъзолари сонига қараб рақамлар ёзилган қоғозлар тайёрланади.

Тренер рақамлар бўйича тингловчилардан янги гуруҳлар тузишларини сўрайди. Масалан, ҳаммада 1-рақамини олганлар битта янги гуруҳ, 2-рақамлилар иккинчи, 3-рақамлилар учинчи гуруҳни, 4- рақамлилар тўртинчи гуруҳни, 5- рақамлилар бешинчи гуруҳни ташкил этишларини сўрайди. Гуруҳ аъзолари янги гуруҳга ўзлари билан ўрганган матнларини ҳам олиб ўтишадилар.

4 – БОСҚИЧ

- рақамлар бўйича янги гуруҳлар тузилганда ҳар бир янги гуруҳда аввалги гуруҳлардан биттадан вакиллар ўз-ўзидан тўпланиб қолади, яъни 4 хил матн ўрганилган бўлса, бу янги гуруҳда ҳар биттасидан биттадан вакил тўпланади, умумий мавзу бўйича 4 тингловчи ва 4 хил матн тўпланади.

5 – БОСҚИЧ

- янги тузилган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси энди ўзига 2 та вазифа, яъни ўқитувчи ва ўқувчи вазифасини олади ва қуйидагича фаолият кўрсатади:

-ўқитувчи (ўргатувчи) сифатида, ўзи аввал ўрганган материални гапириб беради, ўзи мустақил ўрганган

материалнинг асосий жойларига барчанинг диққатини жалб қилади, бошқа гуруҳ аъзоларининг тушуниш ва ўзлаштириш қобилиятларини текширади.

-ўқувчи сифатида, гуруҳ аъзоларининг навбатма-навбат сўзлаб, тушунтираётган, гапираётган матнларини эшитади, таҳлил қилади, фикрлайди ва ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

- ўқитувчи эса уларга ўз текстларини фақат сўзлаб беришлари кераклигини уқтиради ва бунга 20 дақиқача вақт беради (матн ҳажмига ва умумий мавзунинг қийин, осонлигига қараб вақт ажратилади).

Бу босқичда тренинг бошланишида тарқатилган барча материал тингловчилар томонидан ўзлаштирилган ҳисобланади.

6 – БОСҚИЧ

-гуруҳдагилар бир-бирларига ўз матнларини гапириб бериб, барчалари ушбу матнларни билиб олишгач, ўқитувчи ўрганилган материал гуруҳ аъзолари томонидан қанчалик ўзлаштириб олганини текшириб кўриш учун ҳар бир гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига ўз матнларидан келиб чиққан ҳолда саволлар беришлари мумкинлигини тушунтиради. Шундай қилиб, гуруҳ ичида ички назорат, яъни савол-жавоб орқали ўтказилади. Бу эса гуруҳдаги тингловчиларни бир-бирларига сўзлаб берган материалларини бошқалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга, ўзининг билимини янада мустаҳкамлашига ёрдам беради.

7 – БОСҚИЧ

- ўқитувчи барча тингловчиларни яна қайтадан аввалги жойларига қайтишларини сўрайди, яъни ўқувчи-ўқувчилар яна машғулот бошланишидаги гуруҳларига қайтадилар.

8 – БОСҚИЧ

- ўқитувчи аудиториядаги тингловчиларнинг барчаси ҳаммага тарқатилган ёзма материаллар билан таниш эканликлари, улар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлганликларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ўқувчи-ўқувчидан ўрганилган материални сўраши мумкинлигини айтади.

9 – БОСҚИЧ

- тингловчиларга тарқатилган ўқув материалининг улар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи ўқувчи-ўқувчиларнинг назорат саволларига берган жавобларини рейтинг баллари орқали баҳолашини тушунтиради, масалан, саволларга берилган жавоблар – агар тўлиқ жавоб бўлса – 3 балл, қўшимча қилинса – 2 балл, ўтирган жойдан луқма ташланса – 1 балл, жавоб берилмаса – 0 балл қўйилиши белгиланади.

Баҳо системасида - тўлиқ жавоб учун 5 баҳо, қўшимча учун 4 баҳо, луқма ташланса 3 баҳо, жавоб бермаса 2 баҳо, умуман иштирок этмаса 1 баҳо қўйишни белгилаш мумкин.

Гуруҳ аъзоларининг жавобларини юқорида кўрсатилган тартибда баҳолаш, балларни қўйиб бориш, умумлаштириш учун ҳар бир гуруҳ ўзига гуруҳ қатнашчиларидан бирини “ҳисобчи” этиб тайинлаши мумкин (“ҳисобчи” ҳам даврада бўлаётган савол-жавоблар мулоқотида иштирок этади).

10 – БОСҚИЧ

- ўқитувчи тарқатма материаллар асосида тузилган саволлар (5–6 та) билан ўқувчи-ўқувчиларга мурожаат қилади (саволлар иложи борица ҳамма матнларга тегишли бўлгани маъқул, шунингдек, ўқитувчи аудиториядаги барча ўқувчи-ўқувчиларни жавоб бериш учун қамраб олишга ҳаракат қилади).

Белгиланган саволларга жавоб бериш тугагач,

ўқитувчи доскага гуруҳлар томонидан тўпланган балларни ёзади ва машғулотнинг кейинги босқичига ўтади.

11 – БОСҚИЧ

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳни ўз ёзма материалларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда биттадан савол тайёрлашлари кераклигини айтади ва гуруҳларга савол тузишлари учун 5 – 7 дақиқа вақт ажратади.

12 – БОСҚИЧ

-гуруҳлар бир-бирларига саволлар берадилар, гуруҳлардаги “ҳисобчилар” эса гуруҳ аъзоларининг жавобларини юқорида белгиланган тартибда баҳолаб борадилар. Жавоблар тўғри бўлса, савол берган гуруҳ жавобни тўлдирмайди.

13 – БОСҚИЧ

-ўқитувчи гуруҳ аъзолари тўплаган балларни яна бир марта доскага ёзади ва тўпланган баллар (баҳолар) нинг умумий қийматини аниқлайди. Тўпланган баллар (баҳолар)нинг умумий қиймати барча гуруҳ аъзоларига тенг бўлинади (келишганлик асосида).

Изоҳ: агар тўпланган балларни гуруҳ аъзоларига тенг бўлишда ўқувчи-ўқувчилар томонидан норозилик бўлса, яъни баъзи гуруҳ аъзолари гуруҳнинг фаолиятида фаол иштирок этиб, умумий жамоавий фаолиятда пасив бўлган бўлишса, ёки умуман иштирок этмаган, қизиқмаган бўлишса, бундай ҳолатда вазиятни ечишни гуруҳ аъзоларига юклатилади. Гуруҳнинг ечими тўғри ҳисобланади, ёки ўқитувчи ўз фикрини билдириши мумкин, чунки у дарс жараёнида ўқувчи-ўқувчиларнинг жавоблари, фаол ёки пасивликларини кузатиб боради.

Умуман олганда, агар ўқувчи-ўқувчи фаоллик кўрсатмаган, ёки савол – жавобларда иштирок этмаган бўлса ҳам унинг шу дарс жараёнида бирон нарсани эслаб қолиб ўзлаштирганини ҳисобга олган ҳолда унга энг кичик

балл берилиши мумкин. Бу ўқувчи-ўқувчини кейинчалик шу шаклдаги дарсларда фаолроқ бўлишга ундайди. Юқоридаги каби вазият вужудга келса унинг ечимини ҳар бир ўқитувчи шароитга қараб ўзи ҳал этиши ёки гуруҳ, жамоага ташлаши мумкин.

Баъзида гуруҳнинг “ҳисобчилари” балларни қўйишда ноаниқлик ёки қўшиб ёзишлари мумкин, натижада, баъзи гуруҳларнинг умумий тўпланган баллари бошқа гуруҳларникидан жуда кам фарқ қилиши мумкин. Ўқувчи-ўқувчиларнинг ҳаққоний баҳоланишлари уларнинг танланган “ҳисобчи”ларига боғлиқ эканлигини ўқитувчи олдиндан эслатиб ўтади. Агар умумий тўпланган балларни гуруҳ аъзоларига тақсимлаганда шу машғулот учун белгиланган максимал баллдан ортиб кетган бўлса, у ҳолда шу машғулот учун керакли баллни олиб қолиб, ортиқчасини кейинги машғулотларга ёки якуний назоратга ўтказиш мумкин.

14-БОСҚИЧ.

-ҳар бир ўқувчи-ўқувчига баллар қўйилгач ўқитувчи машғулотга якун ясайди. Ўқувчи-ўқувчиларнинг фаолиятига баҳо беради, берилган жавобларга ўз фикрини билдиради ва қуйидаги саволлар билан уларга мурожаат қилади:

- бугунги машғулотдан нималарни билиб олдингиз?
- нималарга ўргандингиз?
- нималар сиз учун янгилик бўлди?
- яна нималарни билишни истар эдингиз?

15-БОСҚИЧ.

Ўқитувчи ўқувчи-ўқувчиларнинг жавобларини диққат билан тинглаб уларга миннатдорчилик билдиради ва дарсни якунлайди.

Инвестицион фаолиятда молиянинг ҳарактерли белгилари

Пул муносабатлари характери:	Тақсимлаш характери:	Фондли характери:
1. Яратилган қийматни тақсимлаш билан боғлиқ пул муносабатлар.	1. Бирламчи тақсимлаш (Иш хақи фондини шакллантириш, фойдани	1. Марказлаштирилган пул фондлари (Давлат бюджети, бюджетидан ташқари фондлар).
2. Турли хил пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ пул муносабатлари.	шакллантириш ва бошқалар). 2. Қайта тақсимлаш, (иш ҳақини, фойдани тақсимлаш, солиқлар).	2. Марказлаштирилмаган пул фондлари (корхоналарда шакллантириладиган моддий рағбатлантириш, истеъмол ва бошқа фондлар).

Ўқув топшириғи.

1. Инвестициялар, уни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг иқтисодий аҳамияти мавзусидаги таянч ибораларни изоҳланг?

Инвестиция, Инвестициялаш, Молиявий инвестициялар, Реал инвестициялар, Инвестицияларни классификациялаш, бевосита инвестициялар, Портфель инвестициялар, Инвестицияни иқтисодий моҳияти, Инвестиция лойиҳалари, Инвестиция фаолияти.

2. Ҳозирги шароитда инвестициянинг асосий йўналишларини келтиринг?

3. Саволларга жавоб: 1. Инвестицияни моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?

2. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга бўлган объектив зарурат нималар билан белгиланади?

3. Инвестициялар капитал қўйилмалардан қандай фарқланади?

3-илова

Назорат тестлари.

1. Худудий жойлашиши бўйича инвестициялар қандай бўлинади?

А) Давлатлараро. Б) Минтақалараро. В) Ички ва ташқи. Г) Ички. Д) Ташқи.

2. Инвестициялар мулкӣ шаклидан келиб чиқиб

қандай бўлинади?

- А) Маҳаллий.
- Б) Хусусий, давлат, қўшма ва хорижий.
- В) Давлат.
- Г) Вилоятни имкониятидан.
- Д) Қўшма.

3. Инвестициялар таваккаллик даражаси бўйича қандай ажратилади?

- А) Ўрта ва кичик. Б) Ўрта ва қисқа. В) Узоқ ва ўрта.
- Г) Юқори ва паст. Д) Ойлик ва йиллик.

4. Инвестицион фаолиятда кредитлаш принциплари?

- А) Олиш.
- Б) Қайтариш.
- В) Кечиктириш.
- Г) Фоизни қайтариш.
- Д) Қайтармай фойда кўриш.

5. Кредит формалари?

- А) Банк кредити.
- Б) Хўжалик кредити.
- В) Узоқ ва қисқа муддатли.
- Г) Аҳоли кредити.
- Д) Корхоналар кредити.

6. Инвестицион фаолиятни кредитлашда кредит турлари?

- А) Узоқ муддатли.
- Б) Қисқа муддатли.
- В) Ўрта муддатли.
- Г) Банк кредити давлат ва халқаро.
- Д) Бошқа қарзлар

4-илова

Б.Б.Б. методи асосида тарқатма материаллар

Биламан “+”

Билдим “+”

Билмайман “-”.

Ижтимоий менежментнинг шаклланиши ва тарихи.

Илғор ўзгаришлар даври

Мамлакатлар ичида ижтимоий фарқланишнинг ўсиши.

Тадбиркорлик ва бошқарув маданиятининг шаклланиши.

XXI аср ижтимоий жараёнлар, ўзгаришлар даври.

5-илова

Кичик гуруҳларда ишлаш.

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

- Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;

- Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;

- Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;

- Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;

- Ҳар бири гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;

- Ҳар бири: “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутиламиз” атамасини яхши билишлари лозим.

Гуруҳлар учун топшириқлар.

1. гуруҳ.

1. Ижтимоий тараққиёт, ижтимоий бошқаришнинг инновацион назарияси тушунчаларининг мазмунини ёритинг.

2. “Менежмент” сўзига кластер тузинг.

2. гуруҳ.

1. Ижтимоий модуллар, дастурлар ва технологияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?

2. “Ижтимоий технологиялар” тушунчасига кластер тузинг.

3. гуруҳ.

1. Ижтимоий менежментнинг шаклланиши ва тарихи ҳақида нималарни биласиз?

2. “Ривожланишдаги қарама-қаршиликлар” тушунчасига кластер тузинг.

4. гуруҳ.

1. Мамлакатлар ичида ижтимоий фарқланишнинг ўсиши деганда нималарни тушунасиз?

2. “Аҳолининг кўпайиши” тушунчасига кластер тузинг.

Дарс босқичлари ва вақт тақсимооти

Т/р	Дарснинг босқичлари	Вақт
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Гуруҳларга топшириқ бериш орқали ўтилган мавзуни сўраш	8 дақиқа
3	Янги мавзу баёни	14 дақиқа
4	Амалий машқлар бажариш орқали мавзуни мустаҳкамлаш	15 дақиқа
5	Дарс якуни: 1) Дарсни хулосалаш 2) Ғолибларни аниқлаш кичик гуруҳларни баҳолаш	3 дақиқа
6	Уйга вазифа	2 дақиқа

Дарснинг бориши:

1.Ташкилий қисм:

а) Психологик иқлим яратиш (саломлашиш, давомат, об-ҳаво, сана)

б) Дарснинг мавзусини ва мақсадини эълон қилиш (ўрганиладиган БКМ лар)

д) Ўқувчиларни гуруҳларга ажратиш, “Дехқон

бозори", "Қурилиш бозори", "Товар биржалари" ҳамда "Интеллектуал товарлар бозори" номлари билан номлаш ва гуруҳ сардорларини тайинлаш;

э) Баҳолаш мезонлари ҳақида тушунча бериш ("Офарин", "Баракалло", "Ҳаракат қил" сўзлари ёзилган шакллар).

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. "ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ 7	
1.1-§. Педагогик таълимни кластерлаштириш илмий-педагогик муаммо сифатида.....	7
1.2-§. Умумтаълим мактабларида "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитишнинг зарурияти ва назарий асослари	19
1.3-§. Замонавий таълим кластери шароитида "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитишнинг ташкилий ва педагогик шарт-шароитлари.....	31
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	41
II-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА "ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	43
2.1-§. "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитишнинг услубий-дидактик таъминотини яратиш.....	43
2.2-§. Ўқувчиларининг иқтисодий кўникмаларини ривожлантириш жараёнини моделлаштириш.....	58
2.3-§. "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш.....	76
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	90
ХУЛОСАЛАР	91
ТАВСИЯЛАР	92
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93
ИЛОВАЛАР	98

- 4574/х -

А.Н. РАСУЛОВ

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ
ШАРОИТИДА
ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ
АСОСЛАРИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Монография)

Муҳаррир: Х. Таҳиров
Техник муҳаррир: С. Меликузийева
Мусахҳиҳ: М. Юнусова
Саҳифаловчи: А. Исмоқов

Нашр. литс № 2244. 25.08.2020 й.
Босишга рухсат этилди 06.10.2023 й.
Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. "Cambria"
гарнитураси. Ҳисоб-нашр табағи. 7.
Адади 100 дона. Буюртма № 12.


«ZEBO PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, 22-ҳарбий шаҳарча



РАСУЛОВ АКБАРЖОН НОМОЗОВИЧ

1978 йилда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилган. 2002 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университети (қундузги) 2009 йилда , Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистратура босқичини тугатган. 2018-2021 йилдан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика ва менежмент” кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси лавозимларида фаолият юритган. 2022 йилдан Чирчиқ давлат педагогика университетини “Мактаб менежменти” кафедраси педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD), в.б.доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг 70 га яқин илмий-услубий ишлари, жумладан 3та гуваҳнома, 1та монография ва 2 та ўқув қўлланмалари чоп этилган.

ISBN 978-9910-9413-4-4



9 789910 941344